

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

40-сон
(1216)
2025 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

589. «Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 4 октябрдаги ЎРҚ–1087-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

590. «Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги ПФ–178-сон Фармони

591. «Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги ПФ–180-сон Фармони

592. «Худудларда саноатни жадал ривожлантириш ва саноат корхоналарини экспортга жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги ПҚ–295-сон қарори

Учинчи бўлим

593. «Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида табиий фанлар йўналишига ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 сентябрдаги 608-сон қарори
594. «Ўсимликлар карантини чегара пунктларини карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 сентябрдаги 609-сон қарори
595. «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари томонидан ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тизимини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 сентябрдаги 610-сон қарори
596. ««Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларга кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги 612-сон қарори
597. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги 613-сон қарори
598. «Техникумларда хорижий таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим дастурларини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги 614-сон қарори
599. «Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги 615-сон қарори
600. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарори
601. «Урганч давлат тиббиёт институти фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 3 октябрдаги 621-сон қарори

Бешинчи бўлим

602. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-sentabrdagi 21/10-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2209-4*)
603. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 22-sentabrdagi 367-son “Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 61-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2431-4*)
604. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 284-son “O‘zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standart (18-sonli BHS) “Hisobot sanasidan keyingi hodisalar”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3681*)
605. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 17-sentabrdagi 523-son “Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3682*)
606. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 24-sentabrdagi 49-qq-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-sentabrdagi 288-son “Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun o‘tanolalar to‘lovini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2993-3*)
607. O‘zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2025-yil 25-sentabrdagi 875-son “O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3683*)
608. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 15-sentabrdagi 21/9-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar

kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 3-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2217-4*)

609. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 30 сентябрдаги 22 ва 7225-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3524-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

589 Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
20 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 29 апрелда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, давлат сирлари, давлат томонидан қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган давлат мудофаа буюртмасини шакллантиришга, келишишга, тасдиқлашга ва бажаришга тааллуқли муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, бундан давлат томонидан қўриқланадиган шахсларнинг ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларга оид буюртмалар мустасно.

3-модда. Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги қонунчилик

Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртманома — давлат мудофаа буюртмаси буюртмачиларининг ўз

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 6 октябрда эълон қилинган.

зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар тўғрисидаги расмий маълумотлари;

давлат мудофаа буюртмаси — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини қуроллантириш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланадиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш учун давлат буюртмаси;

давлат мудофаа буюртмаси буюртмачилари (бундан буён матнда буюртмачилар деб юритилади) — давлат мудофаа буюртмаси доирасида ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қиладиган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа вазирликлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи идоралар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси;

давлат мудофаа буюртмасининг ижрочиси (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни етказиб бериш учун давлат мудофаа буюртмаси доирасида шартнома тузган ҳамда ушбу соҳада тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулот — қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратишда фойдаланилиши ёки ҳарбий мақсадда қўлланилиши мумкин бўлган айрим хомашё турлари, материаллар, асбоб-анжомлар, жиҳозлар, техника, технологиялар, илмий-техник ахборот ва бошқалар, шунингдек фуқаровий ва ҳарбий мақсадларда бажарилиши (кўрсатилиши) мумкин бўлган ишлар (хизматлар);

мудофаа саноати корхоналари — ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, таъмирлашни, модернизация, утилизация қилишни ҳамда қайта ишлашни амалга оширувчи мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳаллий корхоналар ва ташкилотлар;

ягона агент — давлат мудофаа буюртмаси доирасида хорижда ишлаб чиқарилган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш (импорт қилиш) учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган ваколатли орган;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини қуроллантириш бўйича давлат комиссияси (бундан буён матнда Давлат комиссияси деб юритилади) — фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган тартибда ташкил этиладиган, давлат мудофаа буюртмасини тасдиқловчи маслаҳат-кенгаш органи;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши (бундан буён матнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) — фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан белгиланадиган тартибда ташкил этиладиган, давлат мудофаа буюртмасини келишишни амалга оширадиган орган;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини қуроллантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича ташкилий-маъмурий гуруҳ (бундан буён матнда Ташкилий-маъмурий гуруҳ деб юритилади) — фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган тартибда ташкил этиладиган, давлат мудофаа буюртмасини ижро этувчи орган;

ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулот — қурол-яроғ, ўқ-дори-лар, Ҳимоя воситалари, ҳарбий ва махсус техника, уларнинг бошқа саноат тармоқларида фойдаланилмайдиган эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари, асбоб-анжомлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган махсус материаллар, махсус ускуналар ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари, соҳага оид ҳужжатлар, ҳарбий мақсадларда бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар.

5-модда. Давлат мудофаа буюртмасининг асосий вазифалари

Давлат мудофаа буюртмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг миллий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар даражасидан, замонавий ҳарбий можароларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, тасдиқлаш ва бажариш;

буюртмачиларни ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар билан ўз вақтида ҳамда кафолатли тарзда қуроллантириш ва таъминлаш; давлат мудофаа буюртмаси учун ажратилган молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш.

2-боб. Давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги давлат бошқаруви

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, келишиш ва бажариш тартибини тасдиқлайди;

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар рўйхатини белгилайди;

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилишга оид техник топшириқни ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ваколатли давлат органининг давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

давлат мудофаа буюртмасининг лойиҳасини шакллантиради;

давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мудофаа саноати корхоналарининг давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш ҳамда бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

мудофаа саноати корхоналарининг рўйхатини юритади ва уни расмий очик манбаларга жойлаштиради;

буюртмачиларнинг мудофаа саноати корхоналари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

мудофаа саноати корхоналари тўғрисидаги ахборотни буюртмачиларга тақдим этади;

давлат мудофаа буюртмаси бажарилишининг мониторинги ва таҳлилин амалга оширади;

давлат мудофаа буюртмасининг бажарилиши жараёни ва натижалари тўғрисида Ташкилий-маъмурий гуруҳга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Буюртмачиларнинг давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги ваколатлари

Буюртмачилар давлат мудофаа буюртмаси доирасида:

келгусида давлат мудофаа буюртмаси лойиҳасига киритиш учун ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларнинг рўйхатини ҳамда ҳажмини аниқлайди;

ҳар йили ваколатли давлат органига навбатдаги йил учун ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларга доир буюртманомани белгиланган муддатда тақдим этади;

ўзининг ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш режаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

ижрочига ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилишга оид техник топшириқни тақдим этади ҳамда шартнома бўйича уларни етказиб бериш шартларини у билан келишади;

ижрочи билан ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни етказиб беришга оид шартномалар тузади;

харид қилинадиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларнинг нархини аниқлаш учун зарурат бўлганда ихтисослашган ташкилотларни жалб этади;

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахслардан техник-тижорат таклифларини ягона агент орқали олади ва баҳолайди;

мудофаа саноати корхоналари билан ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширади;

тузилган шартномалар шартларига мувофиқ тўловларни амалга оширади;

тузилган шартномаларга асосан ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларнинг етказиб берилишини назорат қилади;

тузилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар намуналарининг сифатини назорат қилади ҳамда уни қонунчиликка мувофиқ қабул қилади.

Буюртмачиларга давлат мудофаа буюртмасини бажариш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағларини бошқа эҳтиёжлар учун қайта тақсимлаш тақиқланади.

3-боб. Давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, келишиш, тасдиқлаш ва бажариш

9-модда. Давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш ва келишиш

Навбатдаги йил учун зарур бўлган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар учун буюртмачилар томонидан тайёрланган буюртманомалар молиялаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилганидан кейин ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган шаклда, мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили 1 июлга қадар юборилади. Бунда буюртманомалар буюртмачиларнинг биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Ваколатли давлат органи келиб тушган буюртманомаларни бир ойлик муддатда умумлаштиради ва шакллантирилган давлат мудофаа буюртмаси лойиҳасини келишиш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш давлат мудофаа буюртмаси лойиҳасини, шу жумладан ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни мудофаа саноати корхоналарида ишлаб чиқариш масалаларини, шунингдек хориждан импорт қилинадиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар номенклатурасини навбатдаги мажлисда кўриб чиқади ҳамда келишилган давлат мудофаа буюртмаси лойиҳасини Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун Давлат комиссиясининг ишчи органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котибиятига бир ойлик муддатда киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти давлат мудофаа буюртмаси лойиҳасини, шу жумладан хориждан импорт қилинадиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар номенклатурасини кўриб чиқади, келишади ва уни Давлат комиссиясига унинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади.

10-модда. Давлат мудофаа буюртмасини тасдиқлаш

Давлат мудофаа буюртмасининг лойиҳаси Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган давлат мудофаа буюртмаси навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинади.

11-модда. Давлат мудофаа буюртмасини бажариш

Ташкилий-маъмурий гуруҳ давлат мудофаа буюртмасини бажариш юзасидан тегишли амалий чора-тадбирларни белгилайди.

Ташкилий-маъмурий гуруҳ давлат мудофаа буюртмасини инобатга олган ҳолда, мудофаа саноати корхоналарининг имкониятлари ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотни буюртмачиларга тақдим этади.

Буюртмачилар давлат мудофаа буюртмасини бажариш мақсадида:

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилишга оид техник топшириқларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган, бироқ сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича техник топшириқ талабларига мувофиқ бўлмаган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилишга оид техник топшириқларни ягона агентга тақдим этади.

Давлат мудофаа буюртмасига ҳамда белгиланган стандартларга мос бўлмаган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларга оид тақдим этилган техник топшириқлар маромига етказиш учун буюртмачиларга қайтарилади.

12-модда. Давлат мудофаа буюртмаси бўйича давлат харидларини амалга ошириш

Давлат мудофаа буюртмаси доирасида ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларнинг хариди қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар буюртмачилар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ харид қилинади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган, бироқ сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича техник топшириқ талабларига мувофиқ бўлмаган ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар, агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ягона агент томонидан импорт қилинади.

Ягона агент чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан давлат мудофаа буюртмаси доирасида импорт шартномаларини (контрактларини) тузади.

Ягона агент ҳамда буюртмачилар ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни етказиб бериш жараёнининг доимий мониторингини амалга оширади.

4-боб. Давлат мудофаа буюртмасини молиялаштириш, унинг бажарилиши устидан назорат қилиш ва унинг махфийлиги

13-модда. Давлат мудофаа буюртмасини молиялаштириш

Давлат мудофаа буюртмасини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

буюртмачиларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

буюртмачиларнинг вақтинча бўш турган маблағларини давлат улуши бўлган тижорат банкларида депозитларга жойлаштиришдан олинган даромадлардан тушумлар;

халқаро ташкилотларнинг ва молия институтларининг, шунингдек бошқа чет эл донорларининг грантлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги навбатдаги йил учун тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрлари, давлат мудофаа буюртмаси доирасида тузилган шартномаларни молиялаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига аниқлик киритилган тақдирда, давлат мудофаа буюртмасининг параметрлари қайта кўриб чиқиши мумкин.

14-модда. Давлат мудофаа буюртмасининг бажарилиши устидан назорат қилиш

Давлат мудофаа буюртмасининг бажарилиши устидан назорат Ташкилий-маъмурий гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Буюртмачилар Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат мудофаа буюртмаси бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига ҳисобот чораги тугаганидан кейин ўн иш куни ичида юборади.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат мудофаа буюртмасининг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чораги тугаганидан кейин ўн беш иш куни ичида умумлаштиради ҳамда ҳисоботни Ташкилий-маъмурий гуруҳга киритади.

Ягона агент ташқи бозорда ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат мудофаа буюртмасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чораги тугаганидан кейин ўн иш куни ичида умумлаштиради ҳамда Ташкилий-маъмурий гуруҳга киритади.

Ташкилий-маъмурий гуруҳ давлат мудофаа буюртмаси бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда Давлат комиссиясига тақдим этади.

Давлат мудофаа буюртмасининг бажарилиши устидан парламент назорати қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15-модда. Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги

Давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, келишиш, тасдиқлаш ва бажариш жараёнида давлат мудофаа буюртмасининг барча иштирокчилари давлат сирлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши шарт.

Давлат мудофаа буюртмасини бажариш жараёнида давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар билан ишлаш зарурати юзага келганда давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида ижрочи билан келишув тузиш талаб этилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

16-модда. Низоларни ҳал этиш

Давлат мудофаа буюртмаси соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

17-модда. Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

19-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 6-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, келишиш ва бажариш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

20-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 октябрь,
ЎРҚ–1087-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****590 Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Давлат органлари фаолиятида замонавий бозор механизмлари жорий этилиши, улар фаолиятига рақамли технологияларнинг кенг татбиқ этилиши, шунингдек, давлат функцияларини амалга оширишга хусусий секторнинг жалб қилиниши каби йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан келиб чиқиб, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш ҳамда бошқарув харажатларини қисқартириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланганлиги;

(б) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 425-сон қарорига асосан 2025-2026 йилларда вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати тасдиқланганлиги;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан замонавий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–105-сон Фармони га мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида соҳани рақамлаштириш ҳисобига 1 080 та бошқарув штат бирлиги қисқартирилиши;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–111-сон Фармонига мувофиқ Ҳукумат ижро аппарати ва ижро этувчи органларнинг штат тузилмаларини қайта кўриб чиққан ҳолда мақбуллаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг республика ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифа ва функцияларни рақамлаштириш ҳисобига уларнинг бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш юзасидан берилган таклифлари маъқуллансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 октябрда эълон қилинган.

3. Қўйидагилар:

(а) 2025 йил 1 ноябрдан республика ижро этувчи ҳокимият органларининг мақбуллаштириладиган бошқарув штат бирликлари сони 1-иловага* мувофиқ;

(б) қўмита, агентлик ва инспекцияларда мақбуллаштириладиган раҳбар ўринбосарлари штат бирликлари сони 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

(а) соҳага оид бўлмаган вазифаларнинг қисқартирилиши ва фаолиятига рақамли технологияларнинг жорий этилишини;

(б) маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни ишга тушириш учун техник инфратузилма яратиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида мазкур йўналишдаги устувор лойиҳалар амалга оширилишини;

(в) сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш, кадрлар салоҳияти ривожлантирилишини таъминласин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги вазирлик ва идоралар билан биргаликда уларнинг вазифа ва функцияларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш, автоматлаштириш ҳамда рақамлаштириш бўйича ишларни олиб борсин.

6. Мазкур Фармонга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари:

(а) бир ҳафта муддатда марказий аппарат ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари сонини мақбуллаштириш бўйича комиссиялар ташкил этсин ҳамда қисқартириладиган лавозимлар рўйхатини тасдиқласин;

(б) штат бирликлари қисқартирилаётган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиниши ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликни таъминласин.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан биргаликда штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида бир нафардан раҳбар ўринбосари лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини 10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш ташаббуси билан чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этиш, ижро учун

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 октябрь,
ПФ–178-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**591 Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида ҳаётини қизиқишларини шакллантиришни рағбатлантириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш орқали мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча механизмларини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими

1. 2026 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи чет эл фуқароларининг даромадларини солиққа тортишнинг махсус солиқ режими (кейинги ўринларда — махсус солиқ режими) жорий этилсин:

(а) 50 минг АҚШ доллари миқдорида махсус йиғим тўлаш;

(б) Ўзбекистон Республикасидаги махсус ваколатли тижорат банкида банк ҳисобварағини ёки махсус ваколатли крипто-биржада крипто-ҳамён очиш.

2. Белгилансинки, махсус солиқ режими доирасида тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами 30 календарь кундан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган жисмоний шахслар улар мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан тўра жой кўчмас мулк объектига эга бўлганда Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилади.

3. Махсус солиқ режими воъжа етган ҳар бир яқин қариндош учун 10 минг АҚШ доллари миқдорида махсус йиғим тўланганда мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган чет эл фуқароларининг яқин қариндошларига нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

4. Чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва Солиқ қўмитаси унинг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) чет эл фуқаролари махсус солиқ режимини олиш учун Комиссияга Солиқ қўмитаси орқали мурожаат қилади;

(б) чет эл фуқароларининг мурожаатлари Комиссия томонидан 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва натижалари бўйича махсус солиқ режими

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 октябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мини тақдим этиш ёки уни тақдим этишни рад қилиш бўйича қарор қабул қилинади;

(в) Комиссиянинг махсус солиқ режимини тақдим этиш бўйича қарорини олган чет эл фуқаролари махсус ваколатли тижорат банкига банк ҳисобварағини ёки махсус ваколатли крипто-биржага крипто-ҳамён очиш бўйича мурожаат қилади ва махсус йиғимни тўлайди;

(г) махсус солиқ режими тақдим этилган мижозларнинг банк ҳисобварағи ёки крипто-ҳамёнига маблағларни кирим қилиш махсус ваколатли тижорат банклари ёки крипто-биржалар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ва хавф-хатарларни баҳолаш натижалари асосида амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, махсус йиғим тўлаган мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган жойи (уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жой кўчмас мулк объекти) бўйича 5 йилгача муддатга ариза ва махсус йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида бир кун муддатда рўйхатдан ўтказилади.

II. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Махсус солиқ режимини тақдим этиш тартибини тасдиқласин:

(а) чет эл фуқароларининг махсус солиқ режимини тақдим этиш бўйича аризаларини кўриб чиқиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш;

(б) махсус солиқ режими тақдим этиладиган талабгорларга қўйиладиган талаблар;

(в) чет эл фуқароларига махсус солиқ режимини тақдим этиш муддати, уни узайтириш ёки муддатидан олдин бекор қилиш асослари.

8. Ички ишлар вазирлиги чет эл фуқароларини рўйхатдан ўтказиш бўйича мазкур Фармоннинг 6-бандида назарда тутилган тартибга сўзсиз амал қилинишини таъминласин.

9. Қўйидагилар бир ой муддатда:

(а) Марказий банк — махсус ваколатли тижорат банклари;

(б) Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги — махсус ваколатли крипто-биржалар рўйхатларини тасдиқласин, уларни ўз расмий веб-сайтларида эълон қилсин ва Солиқ қўмитасига тақдим этсин.

10. Солиқ қўмитаси:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

(б) 2026 йил 1 январга қадар:

(i) махсус ваколатли тижорат банклари ва махсус ваколатли крипто-биржалар тўғрисидаги маълумотлар ва махсус йиғимни тўлаш бўйича тўлов реквизитлари ўз расмий веб-сайти ва бошқа ахборот ресурсларида эълон қилинишини;

(ii) махсус солиқ режимини олиш бўйича чет эл фуқароларининг аризаларини қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизими жорий этилишини таъминласин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Қудбиев белгилансин.

12. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 октябрь,
ПФ–180-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**592** Худудларда саноатни жадал ривожлантириш ва саноат корхоналарини экспортга жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Худудларда саноатни жадал ривожлантириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. 2025-2026 йилларда худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) республика саноатида ҳудудий саноатнинг улушини 45 фоизга етказиш;

(б) Саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари томонидан уларга бириктирилган туманларда илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган жами 100 та корхонани экспорт фаолиятига жалб қилиш ва экспортчи корхонага айлантириш;

(в) ҳудудий саноат штаблари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда қўшимча захираларни аниқлаш ва йўналтириш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўшимча 5 фоизга ошириш;

(г) худудларда 34 та юқори технологияли саноат лойиҳаларини амалга ошириш орқали саноатда технологик маҳсулотлар улушини 25 фоизга етказиш ва 3,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

(д) ҳар бир туман ва шаҳарларда 5 тагача саноат «ўсиш нуқтаси»ни ривожлантириш;

(ж) «республика — вилоят — туман» тамойили асосида саноат корхоналарининг республика даражасидаги тизимли муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиб бориш.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳудудий саноат штаблари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

(а) 2025-2026 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича худудлар кесимида эришиладиган ўсиш суръатларининг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

(б) 2025-2026 йилларда туман ва шаҳарларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида амалга ошириладиган 316 та лойиҳа бўйича микродас-тур йиғма кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ;

(в) 2025-2026 йилларда амалга ошириладиган 34 та юқори технология-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 октябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ли янги саноат лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда:

(а) мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичларини шаҳар ва туманлар кесимида тасдиқласин ва унинг ижросини назорат қилсин;

(б) мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ микродастур йиғма кўрсаткичлари асосида лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин ва унинг ижросини назорат қилсин.

II. Давлат томонидан саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб 2028 йил 1 январга қадар:

(а) ишчиларининг ўртача иш ҳақи миқдори ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган мазкур қарорнинг 4-иловасига* мувофиқ маҳаллий саноат корхоналарининг ишчиларни ташиш ва овқатлантириш билан боғлиқ харажатларидан ҳар бир ишчи ходим учун бир ойда бир базавий ҳисоблаш миқдоригача бўлган қисми ижтимоий солиқ базасидан чиқариб ташланади;

(б) ўз эҳтиёжи учун гипс хомашёсини қазиб чиқарувчи ва ундан тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга гипс олиш учун белгиланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдо­рида қўлланади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг цемент ишлаб чиқарувчи барча корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган цементнинг камида 50 фоизини биржа савдолари орқали реализация қилиш талабини 25 фоизга пасайтириш бўйича таклифига розилик берилсин.

6. Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳаллий товар деб эътироф этилсин.

7. 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Савдога қўмаклашиш жамғармасидан белгиланган тартибда қоплаб бериладиган йўналишлардаги харажатларни Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мо­лиялаштиришга йўл қўйилмайди. Бунда Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тежаб қолинадиган маблағлари қуйидаги харажатларни қоплаб беришга йўналтирилади:

(а) танлов асосида ҳар йили 4 та ҳудуднинг ихтисослашуви бўйича са­ноатни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишга хорижий консал­тинг компанияларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини, бироқ бир

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худуд бўйича 250 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдордаги қисмини;

(б) хусусий саноат корхоналарида энергия тежамкорлик бўйича ўтказилган энергия аудити харажатларининг 50 фоизини, бироқ бир корхона учун 100 млн сўмдан ошмаган миқдордаги қисмини;

(в) замонавий бошқарув механизмлари, жумладан, захираларни тўғри баҳолаш ва самарадорликни ошириш методологияларини жорий этиш бўйича ўқув-амалий курсларни ташкил этиш харажатларининг 100 фоизини, бироқ бир корхона учун 20 млн сўмдан ошмаган миқдордаги қисмини.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг молия, иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимларига:

(а) мазкур қарорда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш, микродастурга киритилган ҳамда юқори технологияли янги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ва ишга тушириш;

(б) мазкур топшириқларнинг ҳудудий саноат штаблари томонидан сифатли ижро этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш, ҳар ойда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ахборот киритиб бориш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Х. Мустафоев) қарор ижроси белгиланган тартибда мониторинг қилиб борилишини таъминласин. Бунда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қарор ижросини ҳар йили 15 февралга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг 1-бандида келтирилган мақсадларга эришилганлигини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 25 февралга қадар Президент Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида қарор ижросини назоратдан ечишда мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(а) мазкур қарорнинг 4-банди «а» кичик бандида назарда тутилган тартиб юзасидан Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини;

(б) Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифларни;

(в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик

хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 октябрь,
ПҚ–295-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

593 Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида табиий фанлар йўналишига ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Табиий фанлар соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, соҳа бўйича иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимидаги таълим ташкилотлари, шунингдек, вазирликлар ва идоралар тизимидаги умумий ўрта таълим ва касбий таълим ташкилотлари негизида Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг филиалларини (кейинги ўринларда — филиаллар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

2025 йилда ташкил этиладиган Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб филиалларининг рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

2026-2027 йилларда янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб филиалларининг манзилли рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар бир ой муддатда ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган таълим ташкилотлари фаолияти тугатилиши, уларнинг мол-мулки, бино ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи асосида Агентлик тизимига ўтказилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари 2025 йил 1 ноябрга қадар ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тегишлича Агентлик тизимида ташкил этилаётган Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб филиалларининг бино ва иншоотларини таъмирлаш, белгиланган талаблар асосида жиҳозлаш, ўқувчиларга яшаш ва овқатланиш учун зарур шароитларни яратиш чораларини кўрсин.

5. Белгилансинки:

Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб табиий фанлар йўналиши бўйича таянч мактаб (кейинги ўринларда — таянч мактаб) ҳисобланади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таянч мактабнинг директори ҳамда унинг филиали ижрочи директори Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

таянч мактаб ва филиалларга раҳбар кадрлар икки босқичли (саралаш ва суҳбат), педагог кадрлар уч босқичли (саралаш, тест синови ва суҳбат) танлов асосида ишга қабул қилинади;

филиаллар ходимлари меҳнатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида» 2022 йил 14 апрелдаги ПФ–106-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган ихтисослаштирилган мактаблар учун белгиланган шартларда ҳақ тўланади;

таянч мактаб ва филиалларга қабул 7-синфдан бошланади, бунда бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони 24 нафардан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда, қабул параметрлари Агентлик томонидан белгиланади;

филиалларга ўқувчилар таянч мактаб учун белгиланган тартиб асосида саралаб олинади;

филиалларда ўқувчилар учун турар жой ҳамда аутсорсинг асосида белгиланган тартибда бепул соғлом овқатлантириш ташкил этилади;

филиалларнинг қурилиш ишлари таянч мактабнинг шароитидан кам бўлмаган, ягона ёндашув асосида 2026-2027 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

филиаллар замонавий талабларга мувофиқ пластик қопламали (НРЛ панел) синф столи, пластик қопламали, эгри елимланган фанерали синф стуллари билан жиҳозланади;

филиаллар битирувчиларига таянч мактаб битирувчилари учун давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари билан берилган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

филиалларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

а) 2025 йил 15 октябрга қадар таянч мактаб, филиаллар ҳамда Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар учун лавозимлар ва штат birlikларининг намунавий штат жадвалини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда тасдиқласин;

б) белгиланган муддатларда филиаллар фаолиятини ташкил этсин. Бунда:

ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш, замонавий касбларга ўргатиш учун уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини инobatга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратсин;

кимё, биология, агротехнология, биотехнология фанлари умумий дарс соатлари фонди доирасида кўшимча ўқув дастурлари асосида ўқитилишини таъминласин;

в) Жиззах, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан

биргаликда ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг аниқ фанлар йўналишида таълим олаётган ўқувчиларини Агентлик тизимидаги бошқа ихтисослаштирилган мактабларга жойлаштириш чораларини кўрсин;

г) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ҳамда Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган мактабларнинг қурилиш ва жиҳозлаш ишларини босқичма-босқич 2026-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайёрласин ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, филиаллар таъминоти билан боғлиқ харажатлар:

2025 йилда биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиси сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

9. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 сентябрь,
608-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 сентябрдаги 608-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомнинг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу Низом Ал-Хоразмий университетига нисбатан татбиқ этилмайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди «соғлиқни сақлаш,» сўзларидан кейин «Ал-Хоразмий университети,» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошиси «олий ҳарбий таълим муассасаларига,» сўзларидан кейин «Ал-Хоразмий университети,» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**594** Ўсимликлар карантини чегара пунктларини карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштириш тўғрисида*

Мамлакатимизда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, ўсимликларни зарарли организмлардан ишончли ҳимоя қилишни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда ўсимликлар карантини соҳасида кўрсатиладиган хизматлар сифатини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар билан карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар кириб келишининг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларига бевосита туташ бўлган ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминалларида тезкор фитосанитар назоратни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарорига мувофиқ ўсимликлар карантини чегара пунктларини республика ҳудудига карантин остидаги маҳсулотлар олиб кирилишига ихтисослаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштириладиган ўсимликлар карантини чегара пунктлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини чегара пунктларини карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштиришга доир талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасига мувофиқ ўсимликлар карантини чегара пункти Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида, ички ҳудудлараро чегара пунктларида ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хоналар, текширувлар ўтказиш ва намуналар олиш, фитосанитария экспертизасини ва фумигация ишларини амалга ошириш учун воситалар, алоқа воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминланиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

** 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўсимликлар карантини чегара пунктларида ҳамда унга бевосита туташ бўлган ва бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминаллари ҳамда карантин остидаги маҳсулотларни божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлари (омборлар) ҳамда уларнинг шарт-шароитлари манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан 2-иловада белгиланган талабларга мувофиқлаштирилади;

Ўсимликлар карантини чегара пунктлари орқали кириб келадиган карантин остидаги маҳсулотларни чегара пунктларига бевосита туташ бўлган ва бўлмаган ҳудудларда ташкил этилган божхона терминалларида ва/ёки карантин остидаги маҳсулотларни божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотларда (омборларда) фитосанитария назоратидан ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги:

а) ҳар чоракда карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштириладиган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ҳамда унга бевосита туташ бўлган ва бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва ташкил этиладиган божхона терминаллари ҳамда карантин остидаги маҳсулотларни божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар (омборлар)ни 2-иловага асосан талабларга мувофиқлиги бўйича хатловдан ўтказди ва реестрини шакллантиради ҳамда шакллантирилган реестрни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринда — Божхона қўмитаси)га тақдим этиб боради.

Бунда Божхона қўмитаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан тақдим этилган реестр асосида республика ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказишга йўналтиради ҳамда бу ҳақда ташқи иқтисодий фаолият субъектларини божхона ахборот тизими орқали хабардор қилиб боради;

б) Божхона қўмитаси билан биргаликда ўсимликлар карантини чегара пунктларини 2025 — 2027 йилларда босқичма-босқич республика ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар бўйича ихтисослаштиришга доир талабларга мувофиқлаштириш чораларини кўради ҳамда, заруратга кўра, ушбу қарорга 1-иловада келтирилган рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

5. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштирилган ўсимликлар карантини чегара пунктларининг экспорт йўналишида ташқи савдо юклари бўйича ўтказиладиган фитосанитария назорат функциялари божхона органлари томонидан мувофиқлаштирилади. Бунда:

божхона органлари ўсимликлар карантини чегара пунктларининг республика ҳудудидан экспорт йўналишида олиб чиқилладиган карантин остидаги маҳсулотларни ҳужжатли назорат тартиб-таомилларидан ўтказди ҳамда божхона ахборот тизимига бу ҳақда қайд этиб боради;

шубҳали ёки зарур ҳолатларда маҳсулотларни кўздан кечириш ҳамда қўл юкида мавжуд карантин остидаги маҳсулотларга белгиланган тартибда фитосанитария сертификатини расмийлаштириш учун ўсимликлар карантини давлат инспекторини жалб қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 сентябрь,
609-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 сентябрдаги 609-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга
ихтисослаштириладиган ўсимликлар карантини
чегара пунктлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ўсимликлар карантини чегара ўтказиш пунктлари номи	Ҳудудлар номи
Автомобиль ўтказиш пунктларидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари		
1.	«Довутота»	Қорақалпоғистон Республикаси
2.	«Дўстлик»	Андижон вилояти
3.	«Хонобод»	
4.	«Олот»	Бухоро вилояти
5.	«Учқўрғон»	Наманган вилояти
6.	«Ўзбекистон»	Фарғона вилояти
7.	«Сариосиё»	Сурхондарё вилояти
8.	«Айритом»	
9.	«Сирдарё»	
10.	«Ойбек»	Тошкент вилояти
11.	«Яллама»	
12.	«Навой»	
13.	«С. Нажимов»	
14.	«Шовот»	Хоразм вилояти

Халқаро аэропортлардаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари		
1.	Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти	Тошкент шаҳри
2.	Самарқанд халқаро аэропорти	Самарқанд вилояти
3.	Навоий халқаро аэропорти	Навоий вилояти
4.	Термиз халқаро аэропорти	Сурхондарё вилояти
5.	Фарғона халқаро аэропорти	Фарғона вилояти
6.	Наманган халқаро аэропорти	Наманган вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 сентябрдаги 609-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўсимликлар карантини чегара пунктларини карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштиришга доир ТАЛАБЛАР

1-боб. Умумий қоидалар

1. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштирилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва унинг бевосита туташ бўлган ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминалларини, карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказиш ҳамда карантин остидаги маҳсулотларни божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақланадиган бино ва иншоотларни (омборлар) ташкил этиш, қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ушбу талаблар асосида амалга оширилади.

2. Ушбу Талабларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

карантин остидаги маҳсулот — ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экин материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти ва бошқа маҳсулот ҳамда юклар;

фитосанитария назорати — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, унинг ҳудудидан олиб чиқиляётган ва транзит тарзида ташиладиган карантин остидаги маҳсулотларни текширишда ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан амалга ошириладиган комплекс тадбирлар.

2-боб. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштирилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва унинг бевосита туташ бўлган ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминалларига талаблар

3. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштирилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва унинг бевосита туташ бўлган

ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминалларини қуриш ва реконструкция қилиш мазкур Талаблар асосида амалга оширилиши лозим. Бунда қуйидагилар талаб қилинади:

хоналари санитария-гигиена, қурилиш меъёрлари ва қоидаларида белги-ланган талабларга мувофиқ шамоллатилиши, ҳавони совитиш ва иситиш, сув таъминоти ва канализация, шунингдек, ёнғинга қарши воситалар ва фавқу-лодда ҳолатларда огоҳлантириш сигнализация тизимлари билан жиҳозланган бўлиши;

барча кириш ва ўтиш йўллари, пиёдалар йўлаклари, юкни ортиш ва ту-шириш майдончалари чанг ҳосил қилмайдиган, сув ўтказмайдиган, ювиш ҳамда дезинфекция қилиш учун қулай, ҳосил бўлган оқоваларни канализа-цияга йўналтириш имкониятига эга қаттиқ қопламали бўлиши;

худуди дарахт ва буталардан холи бўлиши;

бино ва иншоотлари, омборхона хоналари карантин остидаги маҳсулот-ларни бут сақлайдиган ва ушбу маҳсулотларга нисбатан фитосанитария на-зоратини тўлиқ амалга ошириш учун ушбу Талабларнинг 9-бандида белги-ланган инвентарь ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши;

товарларни тушириш-ортиш учун кўчма ва (ёки) ердаги эстакада (юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун ер юзасидан маълум ба-ландликда қуриладиган ёки ўрнатиладиган тўсинсимон конструкциялардан иборат кўприксимон иншоот) бўлиши;

бино ва иншоот (омборхона)ларда карантин остидаги маҳсулотларни кўриқдан ўтказиш учун платформалар ва рампалар ўрнатилиши лозим.

3-боб. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштириладиган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва унинг бевосита туташ бўлган ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терминалларида хизмат хоналарининг таркиби ва уларга қўйиладиган талаблар

4. Карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришга ихтисослаштирилади-ган ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва унинг бевосита туташ бўлган ёки бўлмаган ҳудудларида ташкил этилган ва этиладиган божхона терми-налларида ўсимликлар карантини давлат инспектори фаолият юритиши учун қуйидаги хизмат хоналари ташкил этилган бўлиши лозим:

навбатчи (оператив);

махсус;

маиший (хўжалик);

дам олиш хонаси.

5. Навбатчи (оператив) хона ўсимликлар карантини давлат инспектори фаолият олиб борадиган хизмат хонаси ҳисобланади. Ушбу хонада ўсимлик-лар карантини давлат инспектори ўз ваколати доирасида ҳужжатли назорат-ни амалга оширади ва соҳага оид ҳужжатларни расмийлаштиради.

6. Махсус хонадан тезкор (экспресс) лаборатория таҳлилларини амал-га оширишда, карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналарини сақлашда, транспорт воситалари ҳамда карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлан-

тиришга оид махсус техник воситалар ва кимёвий моддаларни сақлашда, зарарланган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантиришда, шунингдек, йўналишга оид бошқа мақсадларда фойдаланилади.

7. Майший (хўжалик) хоналардан фитосанитария назоратини амалга ошириш учун махсус кийим-бошлар ва асбоб-ускуналарни сақлашда фойдаланилади.

8. Дам олиш хонаси иш режими туну кун бўлган ўсимликлар карантини чегара пунктларида ташкил этилади. Бунда ўсимликлар карантини давлат инспектори дам олиши учун шарт-шароит яратилади.

9. Навбатчи, махсус, майший ва дам олиш хоналари давлат инспектори ва бошқа шахслар учун санитария-гигиена воситалари, иссиқ ва совуқ сув, санузел тизимлари билан таъминланиши, шунингдек, иловага* мувофиқ инвентарь ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

10. Мазкур объектларда ўрнатиладиган инвентарь ва асбоб-ускуналарни жойлаштиришда хавфсизлик, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қулайлиги таъминланиши ҳамда технологик жараённинг кетма-кетлиги талаблари ва технологик лойиҳалаш меъёрларига мувофиқ бўлиши лозим.

Шунингдек, ушбу объектларда ўрнатиладиган, лаборатория таҳлиллари ўтказиш учун фойдаланиладиган синов ва ўлчаш воситалари ўрнатилган тартибда метрологик аттестациядан ўтказилган бўлиши шарт.

4-боб. Карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказиш ҳамда божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар (омборлар)га қўйиладиган талаблар

11. Хорижий мамлакатлардан олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказиш ҳамда божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар (омборлар)нинг ташкил этилиши, қурилиши ва реконструкция қилиниши ушбу Талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

Бунда карантин остидаги маҳсулотларни сақлаш учун зарур бўлган технологик режим ва шароитлар билан таъминланиши, шунингдек, карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказиш вақтида ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлар ва бошқа хавфли зараркунандалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган бўлиши керак.

12. Карантин остидаги маҳсулотларни фитосанитария назоратидан ўтказиш ҳамда божхона расмийлаштирувига қадар вақтинча сақлаш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар (омборлар) амалдаги санитария-гигиена, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, экологик талабларга жавоб бериши шарт. Жумладан:

шамоллатиш, ҳавони совитиш ва иситиш ҳамда омборлар фавқулодда ҳолатларда огоҳлантириш тизими билан жиҳозланган бўлиши;

ёруғлик (табiiй ёки сунъiiй) билан таъминланган бўлиши;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

деворлари бўялган ёки оқланган, ёриқларсиз, эшик ва деразаларнинг герметиклиги таъминланган бўлиши;

кириш ва ўтиш йўллари, пиёдалар йўлаклари, юкни тушириш ва юклаш учун махсус ажратилган майдон бўлиши;

пестицид ва кимёвий воситалар сақланадиган алоҳида хона ва уларни сақлаш учун металл шкаф бўлиши;

товарларни тушириш-ортиш учун кўчма ва (ёки) ердаги эстакада (юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун ер юзасидан маълум баландликда қуриладиган ёки ўрнатиладиган тўсинсимон конструкциялардан иборат кўприксимон иншоот) бўлиши;

поллари рухсат этилган механик, термик ёки кимёвий таъсирларга чидамли, тешиқларсиз, сирти осон тозаланадиган, пол конструкцияси элементлари иш пайтида ерга тушадиган зарарли моддаларни ўзида тўпламайдиган ёки сингдирмайдиган ва суюқлик оқиши учун нишаблик бўлиши керак.

Шунингдек, маҳсулот турига қараб, омборларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сақлаш шароитлари, намуна олиш учун жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим, жумладан:

ёкиш материаллари учун герметик ёпилиши таъминланадиган ёпиқ бино ва иншоот (омборхона);

мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳамда бошқа тез бузилувчи карантин остидаги маҳсулотлар учун вақтинча сақлаш учун совиткич (ҳарорат меъёри $-10\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан $+20\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача бўлиши лозим);

ёғоч материаллари учун — намуна олиш учун арра (электр ёки мото);

донли, дуккакли ва мойли экин маҳсулотлари учун — намуна олиш учун шуп, чашка ва уруғ майдалагич (дробилка);

маҳсулотдан олинган намунани кўриқдан ўтказиш учун махсус кўриқ столи бўлиши лозим.

13. Мазкур объектларда ўрнатиладиган инвентарь ва асбоб-ускуналарга нисбатан ушбу Талабларнинг 10-бандида белгиланган шартлар қўлланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

595 Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари томонидан ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тизимини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–267-сон қарорига мувофиқ «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида 2025 йил 1 октябрдан бошлаб рўйхатга олинган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг вакиллари ҳамда «Камбағал оилалар реестри» ахборот модулига киритилган оилаларнинг вакиллари бўлган жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарлар (хизматлар)ни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси бир иш кунида қайтарилиши, бунда ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш талаб этилмаслиги белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Кам таъминланган ёки камбағал оилаларнинг вакиллари бўлган жисмоний шахслар томонидан ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган айрим товарлар (хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тартиби ва асослари;

ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини кам таъминланган ёки камбағал оилаларнинг вакиллари бўлган жисмоний шахсларнинг ижтимоий карталарига ўтказиш тартиби;

ижтимоий карта орқали харид қилинган ва қўшилган қиймат солиғи суммаси қайтариб олинган товарлар (хизматлар)нинг фискал белгили чекига тузатишлар киритиш тартиби.

3. Белгилансинки, ушбу вақтинчалик низом талаблари 2025 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида тажриба-синов тариқасида жорий этилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда:

«Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали «Ижтимоий карта» ахборот тизимини солиқ органлари маълумотлар базаси билан интеграция қилган ҳолда, ижтимоий карта берилган фуқаролар ва ижтимоий карта тўғрисидаги маълумотларнинг ўзаро ахборот тизими орқали доимий равишда тақдим этиб борилиши ҳамда унинг янгилалишини таъминласин;

ижтимоий карта орқали айрим турдаги товарлар (хизматлар) хариди бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш жараёнларини автоматлаштиришни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин;

б) ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун маълумот алмашиш бўйича молиявий агентлар, тўлов тизимлари операторлари ва Агентлик билан биргаликда ижтимоий карта орқали товар (хизмат)лар харид қилинганда, тегишли харид чекида ижтимоий карта ва транзакциянинг уникал рақамини ахборот хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ тақдим этиш амалиётини жорий этсин;

в) Агентлик, Марказий банк ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижаларини ҳисобга олган ҳолда, қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тизимини соддалаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 4-бандида назарда тутилган автоматлаштирилган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда «ижтимоий карта» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 27 декабрдаги 897-сон қарорига мувофиқ «Ижтимоий карта» ахборот тизимини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, sanoat эксплуатациясига тушириш ва такомиллаштириб бориш бўйича лойиҳа ҳамкори томонидан қопланади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Агентлик:

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 сентябрь,
610-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 сентябрдаги 610-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Кам таъминланган ёки камбағал оилаларнинг вакиллари бўлган
жисмоний шахслар томонидан ижтимоий карта орқали харид
қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган
қиймат солиғи суммасини қайтариш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг вакиллари ҳамда «Камбағал оилалар реестри» ахборот модулига киритилган оилаларнинг вакиллари бўлган жисмоний шахслар (кейинги ўринларда — жисмоний шахслар) томонидан ижтимоий карта орқали харид қилинган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда — солиқ) суммасини қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автоматлаштирилган дастур — жисмоний шахсларга ижтимоий карта орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарлар (хизматлар)ни белгиланган миқдор доирасида харид қилишда тўланган солиқ суммасини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш асосларини текшириш имкониятини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган дастури;

айрим турдаги товарлар (хизматлар) — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ–113-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ёки «Камбағал оилалар реестри» ахборот модулига киритилган жисмоний шахслар томонидан харид қилинганда, солиқ суммаси қайтариб бериладиган айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатида назарда тутилган товар ва хизматлар;

маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг идентификация кодлари (МХИК) — маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогидagi маҳсулотнинг идентификация кодлари.

3. Айрим турдаги товарлар (хизматлар) ижтимоий карта орқали харид қилинганда, солиқ суммаси ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган харидлар суммаси доирасида қайтарилади.

Ижтимоий карта орқали айрим турдаги товарлар (хизматлар) харид қилинганда, ушбу харид бўйича харид чекининг фискал белгисини солиқ органларининг махсус мобил иловасида матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш талаб этилмайди.

4. Жисмоний шахслар томонидан ижтимоий карта орқали айрим турдаги товарлар (хизматлар) хариди бўйича тўланган солиқ суммаси уларнинг ижтимоий карталарига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтарилади.

5. Жисмоний шахсларга харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) харид суммасининг 1 фоизи миқдорида қайтариладиган маблағ ўрнига харид суммасида тўланган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси Республика бюджети ҳисобидан қайтарилади.

2-боб. Айрим турдаги товарлар (хизматлар) учун ижтимоий карта орқали харид қилишда тўланган солиқ суммасини қайтариш ва қайтаришни рад этиш тартиби

6. Жисмоний шахслар ижтимоий карта орқали айрим турдаги товарларни (хизматларни) харид қилганда тўланган солиқ суммаси харид қилинган товарлар (хизматлар)нинг МХИК кодлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқ суммаси қайтариб бериладиган товарлар (хизматлар) МХИК кодларига мос келган тақдирда, автоматлаштирилган дастур орқали қайтарилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — Солиқ қўмитаси) қуйидаги ҳолларда жисмоний шахслар томонидан айрим турдаги товарлар (хизматлар) харид қилинганда, солиқ суммасини қайтаришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади:

аҳоли билан ҳисоб-китоблар тўғрисида онлайн режимда келиб тушадиган маълумотлар ва солиқ органларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар асосида товарларни сотиш ва харид қилишда товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олишга қаратилган ҳуқуқбузарлик белгилари аниқланганда;

харид қилинган товарлар (хизматлар) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ёки «Камбағал оилалар реестри» ахборот модулига киритилган жисмоний шахслар томонидан сотиб олинганда солиқ суммаси қайтариб бериладиган айрим турдаги товарлар (хизматлар) рўйхатига кирмаганда ёки сотилган айрим турдаги товарлар (хизматлар) сони харид қилинган ушбу рўйхатдаги товарлар сонидан кўп бўлганда;

фискал модул операторлари орқали юборилган маълумотларга асосан харидни амалга оширган жисмоний шахсдан унинг ҳақиқий харидлари тўғри-

сидаги тасдиғини сўраб олишда харид ҳақиқатда ушбу жисмоний шахс томонидан амалга оширганлиги шубҳали бўлган тақдирда;

онлайн назорат-касса техникалари чекларида идентификация кодлари ва штрих-кодлари нотўғри акс эттирилиши аниқланганда ёки уларда солиқ органлари маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган идентификация кодлари ва штрих-кодлари билан акс эттирилганда.

8. Жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқ суммасини қайтариш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Солиқ қўмитаси автоматлаштирилган дастур орқали аниқланган солиқ суммаси бўйича буюртмани реал вақт режимида ижтимоий картадан тўловлар амалга оширилган кунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитасининг буюртмасига биноан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига (кейинги ўринда — Ғазначилик) Солиқ қўмитасининг махсус ҳисобварағига буюртма олган кунда тўланган солиқ суммасини қайтариб бериш учун маблағларни ўтказди.

11. Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан пул маблағлари ўтказилгандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай уларни Ғазначиликдаги махсус ҳисобварағидан ваколатли банкда очилган ҳисобварағига ўтказди.

12. Солиқ қўмитаси солиқ суммаси қайтариллиши тасдиқланган жисмоний шахсларнинг реестрини ваколатли банкка бир иш кунда тақдим этади.

13. Солиқ қўмитаси топшириғига асосан ваколатли банк тегишли пул маблағларини бир иш кунда солиқ суммаси қайтариллиши тасдиқланган жисмоний шахсларнинг ижтимоий карталарига ўтказди.

3-боб. Онлайн назорат-касса техникаси чекларига тузатиш киритилишининг бажарилишини назорат қилиш

14. Ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича солиқ суммаси қайтариб олинган товарларнинг (хизматларнинг) фискал белгили чекига ушбу товарлар (хизматлар)ни реализация қилувчи тадбиркорлик субъекти томонидан тузатиш киритиш мумкин эмас, бунда фақат Солиқ қўмитасининг хулосаси асосида ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) қийматининг солиқ суммаси Давлат бюджетига қайтариб берилгандан сўнг тузатиш киритилади.

15. Ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича солиқ суммаси қайтариб олинган товарларнинг (хизматларнинг) фискал белгили чекига тузатиш киритиш учун тадбиркорлик субъекти шахсий кабинетини орқали Солиқ қўмитасига тегишли ариза юборади.

16. Солиқ қўмитаси ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида ижтимоий карта орқали харид қилинган айрим турдаги товарлар (хизматлар) бўйича солиқ суммаси қайтариб олинган товарларнинг (хизматларнинг)

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фискал белгили онлайн-касса чекларига махсус мобил илова орқали тузатиш киритиш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида тадбиркорлик субъектига хулоса юборади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ушбу Низомни қўллашда келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 сентябрдаги 610-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

7-бандда:

а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк картаси тури (корпоратив, шахсий ёки ижтимоий)»;

б) қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ижтимоий карта рақами (биринчи ва охириги тўртта рақам);

транзакциянинг уникал рақами»;

в) ўнинчи — ўттиз биринчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи — ўттиз учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**596 «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларга
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида***

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш доирасида «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–330-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларга кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилалар (кейинги ўринларда — камбағал оилалар) томонидан аризалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби;

аризаларни кўриб чиқиш ва скоринг баҳолаш ҳамда улар бўйича хулоса бериш тартиби;

тижорат банклари томонидан камбағал оилаларга кредит ажратиш ва уларнинг мониторингини юритиш тартиби.

2. Белгилансинки:

ноутбук ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун гаровсиз кредитлар Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси — «Oilakredit.uz» орқали ажратилади;

тижорат банклари томонидан камбағал оилаларга ажратилган кредитлар бўйича Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги фоиз ставкасида фоиз тўловлари ҳисобланади ва ушбу фоиз тўловлари Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб борилади;

камбағал оилаларга кредитлар ажратиш учун Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида аввалги йилларда ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан 2025 йилда жами 250 млрд сўм йўналтирилади.

3. Марказий банк Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ахборот тизимлари интеграцияси ва маълумот алмашинувини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекис-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

тон миллий телерадиокомпанияси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ва аҳоли орасида кенг ёритилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
612-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 сентябрдаги 612-сон қарорига
ИЛОВА

**«Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларга
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури (кейинги ўринларда — дастур) доирасида АТ «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» АТБ (кейинги ўринларда — тижорат банклари) томонидан камбағал оилаларга ноутбук сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун кредитлар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бириктирилган раҳбарлар — энг оғир аҳволдаги камбағал оилаларга бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ташкилотларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

камбағал оила аъзолари — «Камбағал оилалар реестри»га киритилган жисмоний шахснинг оила аъзолари;

маҳсулот етказиб берувчи — маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, қарз олувчи томонидан танланган товарларни етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари;

маркетплейс тизими — платформада ажратиладиган кредитлар ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда қарз олувчилар томонидан маҳсулот етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони;

платформа — дастур доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг Ягона электрон платформаси (Oilakredit.uz);

хулоса — бириктирилган раҳбарлар қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, унинг имкониятлари, шароитлари ҳамда етарли билим ва тажрибасини ўрганиш орқали кредит ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосаси;

қарз олувчи — «Камбағал оилалар реестри»га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш орқали ўзини ўзи банд қилиш истагидаги жисмоний шахслар.

3. Тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар учун ҳисобланган фоизлар Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

4. Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар фақат платформа орқали ажратилади.

Дастур доирасидаги кредитлар юзасидан аризаларни платформа орқали белгиланган тартибда кўриб чиқмасдан камбағал оила аъзосига товарларни марказлашган тартибда олиб келиш ва тарқатиш тақиқланади.

5. Платформа фаолияти давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимларининг марказий маълумотлар базалари ва идентификациялашнинг ягона тизими билан интеграциялашуви асосида ташкил этилади.

2-боб. Платформа орқали аризаларни кўриб чиқиш

6. Дастур доирасида кредит аризалари қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки, зарур ҳолларда, «маҳалла еттилиги» кўмаги асосида платформа орқали тақдим этилади. Бунда аризалар оилавий тадбиркорлик дастури доирасида тижорат банкларига тақсимланган маҳаллалар бўйича юборилади.

7. Қарз олувчининг тегишлилиги бўйича талабларга жавоб бериши («Камбағал оилалар реестри»га киритилгани, индивидуал режа тузилгани) «Online-mahalla.uz» электрон платформаси орқали текширилади.

8. Кредит ажратиш тўғрисидаги аризалар барча босқичларда платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида платформа орқали (телеграм бот, СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

9. Қарз олувчига дастур доирасида кредит ҳужжатлари расмийлаштирилишида бириктирилган раҳбарларнинг хулосаси асос ҳисобланади.

Бунда тижорат банклари томонидан кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси учун тўланадиган маблағлар Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан мазкур кредитлар фоизи учун келиб тушадиган маблағлардан қоплаб борилади.

Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хатари суғурталанганда, суғурта тўлови йиллик 0,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисобланади.

10. Дастур доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитлардан самарали

фойдаланилиши ва ўз вақтида сўндирилиши юзасидан бириктирилган раҳбарлар «махалла еттилиги» ва тижорат банклари билан биргаликда доимий мониторинг ва назорат тизимини ўрнатади.

3-боб. Скоринг баҳолаш

11. Платформа орқали аризалар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра бир иш кунинда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

12. Куйидаги ҳолларда қарз олувчининг аризаси платформа томонидан скоринг маълумотлари асосида автоматик равишда рад этилади:

«Камбағал оилалар реестри»га киритилмаган фуқаролар томонидан ариза берилганда;

қарз олувчининг платформада аввал берилган аризаси кўриб чиқиш жараёнида бўлганда;

18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ариза берилганда;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда;

қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда;

қарз олувчининг банк ёки микрокредит ташкилотларидан олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;

аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда;

камбағал оилаларга кўмак чоралари бўйича ижтимоий шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаётган фуқаролар томонидан ариза берилганда;

салбий кредит тарихига эга бўлганда (охирги 2 йил давомидаги кредит тарихи инobatга олинади).

13. Скоринг натижасига кўра қарз олувчининг ижобий баҳоланган аризаси кўриб чиқиш учун бириктирилган раҳбарларга платформа орқали келиб тушади.

14. Скоринг ҳисоблаш методикаси бўйича маълумотлар платформада эълон қилинади ҳамда заруратга кўра киритилган ўзгартиришлар асосида доимий равишда янгилаб борилади.

4-боб. Бириктирилган раҳбар томонидан хулоса бериш

15. Бириктирилган раҳбар қарз олувчининг аризасига асосан беш иш куни мобайнида жойига чиққан ҳолда, унинг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ва етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганаяди, ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва кредит ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани платформага жойлаштиради.

16. Бириктирилган раҳбар хулосани беришдан аввал амалга оширилайёт-

ган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва мавсумийлигини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш ваколатига эга.

17. Қуйидаги ҳолларда ижобий ҳулоса берилмайди:

лойиҳани амалга ошириш учун қарз олувчида шарт-шароит мавжуд бўлмаганда;

ариза берувчи номидан бошқа фуқаро кредит олишни мақсад қилгани аниқланганда;

21-бандда кўрсатилган йўналишлардан ташқари бошқа мақсадлар учун ариза берилганда;

қонунчиликка зид бўлган фаолият амалга оширилиши аниқланганда.

18. Бириктирилган раҳбар томонидан кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги ҳулосада унинг сабаблари кўрсатилиши зарур.

Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган сабаблардан ташқари бошқа асосларга кўра кредит ажратишни рад этишига йўл қўйилмайди.

Бириктирилган раҳбарнинг ижобий ҳулосаси асосида қарз олувчининг аризаси кўриб чиқиш учун платформа орқали тижорат банкига тақдим этилади.

19. Тижорат банкида етарли ресурс маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, бириктирилган раҳбар томонидан аризалар аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳамда қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобидан ресурс шакллантирилгунга қадар платформада электрон навбат асосида юритилади ва бу борада қарз олувчига тегишли маълумотлар берилади.

20. Бириктирилган раҳбар камбағал оила аъзоларига ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобидан ноутбук ёки асосий воситалар олиб берилишини таъминлайди ҳамда унинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш мақсадида ушбу раҳбар ёки ташкилотнинг ишончли вакили ҳар чоракда лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудга бориб ўрганиб, натижалари тўғрисида платформада электрон далолатнома тузиб боради.

5-боб. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш

21. Қарз олувчиларга кредитлар Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги фоиз ставкасида устама ҳақ тўлаш шarti билан:

15 миллион сўмгача бўлган қийматдаги бир дона ноутбук сотиб олиш учун 5 йилгача муддатга 2 йил имтиёзли давр билан;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қиймати 30 миллион сўмгача бўлган кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йилгача муддатга бўлиб тўлаш шarti билан ажратилади.

Бунда ҳисобланган фоизлар Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб берилади.

22. Тижорат банклари томонидан қарз олувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлар учун оширилган ва (ёки) қўшимча фоизлар ҳамда неустойка (жарима, пеня) ҳисобланмайди.

Қарз олувчилар асосий қарзни кредит шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақлидир. Бунда тижорат банки қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзни кредит шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаргани учун комиссия ёки неустойка олиши тақиқланади.

23. Тижорат банкларига кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда ушбу Низом талаблари бўйича номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда, кредит ажратилиши рад этилади ва бу тўғрисида бириктирилган раҳбар ҳамда қарз олувчи платформа орқали хабардор қилинади.

24. Қарз олувчи 10 кун муддат ичида ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни тижорат банкига қайтадан тақдим этиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар қарз олувчи томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилиб, тижорат банкига тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш қарз олувчининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

25. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор учини кундан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

Қарз олувчи, банк томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилган кредит шартномасини 10 кун мобайнида имзоламаса, унинг кредит олиш тўғрисидаги аризаси рад этилади.

Тижорат банки томонидан кредит ажратиш рад этилганда, бу ҳақидаги қарор рад этилиши сабаблари кўрсатилган ҳолда платформага жойлаштирилади.

26. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, қарз олувчига кредит ҳисобидан сотиб олинadиган маҳсулотларни маркетплейс тизимидан танлаш ҳақида СМС-хабарнома юборилади.

27. Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзолангандан сўнг кредит таъминотчи ҳисобварағига пул кўчириш орқали ўтказилганда, маркетплейс тизими билан ишлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Қарз олувчига кредит нақд пулда ёки алоҳида очилган банк картаси орқали ажратилганда, тижорат банклари ушбу Низомда белгиланган тартиб ва дастур доирасида қарз олувчиларга ажратилadиган кредитлардан келиб чиққан ҳолда платформа хизматлари учун оммавий оферта талаблари асосида ҳақ тўланишини таъминлайди.

28. Дастур доирасида ажратилadиган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоиз миқдори платформада онлайн шаклланиб боради.

Бунда кредит бўйича фоизлар қарз олувчи томонидан маҳсулот қабул

қилиниб, кредит шартномасига асосан ҳақиқатда тўлаб бериладиган маблағ учун ҳисобланади.

6-боб. Маҳсулот етказиб бериш тартиби

29. Маҳсулот етказиб берилгандан сўнг уларни топшириш-қабул қилиш мақсадида маҳсулот етказиб берувчи томонидан платформанинг ўзида электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилади. Қарз олувчи маҳсулотни қабул қилиб олиб, ундан қаноат ҳосил қилганидан сўнг электрон ҳисоб-фактурани имзолайди.

Бунда қарз олувчига товарлар фискал белгили касса чеки асосида етказиб берилади.

30. Ҳисоб-фактура имзолангани тўғрисида бириктирилган раҳбарга платформа орқали хабар берилади. Бириктирилган раҳбар уч иш кунида жойига чиққан ҳолда, товарлар ҳақиқатан етказиб берилгани ёки берилмагани тўғрисида платформада фотоҳисобот шаклида электрон далолатнома тузади.

31. Тижорат банкларига тўлиқ имзоланган электрон ҳисоб-фактура ҳамда бириктирилган раҳбар томонидан тасдиқланган электрон далолатнома ушбу маҳсулотлар учун тўловни амалга оширишга асос бўлади.

Қарз олувчи талабига кўра сотиб олинadиган маҳсулот бўйича тўловлар маҳсулот етказиб бериш шартномасида тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

32. Етказиб берилган маҳсулот учун тўловлар банк томонидан уч банк иш кунида маҳсулот етказиб берувчига пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Шундан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг закалат суммасидан маркетплейс тизимининг хизмати учун белгиланган тўлов оммавий офертага асосан автоматик тарзда ундирилади ва закалат суммасининг қолдиқ қисми маҳсулот етказиб берувчига қайтариб берилади.

33. Бириктирилган раҳбар томонидан маҳсулот етказиб берилмагани тўғрисида электрон далолатнома расмийлаштирилганда, қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши ёки шартнома бекор қилиниши бўйича зарур чоралар кўради.

34. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда, бириктирилган раҳбар уч иш кунида жойига чиққан ҳолда такроран ўрганиш ўтказади ва платформада фотоҳисобот шаклида такроран электрон далолатнома тузади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотлар етказиб берилмаганлик ҳолати такрорланса, бириктирилган раҳбар хулосани бекор қилиш бўйича электрон далолатнома расмийлаштирилади ва платформа орқали кредит шартномаси автоматик тарзда бекор қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчиларни маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатиш ва Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

7-боб. Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ҳисобланган фоизларни қоплаб бериш тартиби

35. Қарз олувчиларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги фоиз ставкасида устама ҳақ ҳисобланади.

36. Ҳисобланган фоиз бўйича устама ҳақи миқдори ҳар ойнинг якуни билан, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит ва унга ҳисобланадиган фоизлар бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар тақдим этилган рўйхат асосида 10-санасига қадар эса Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади (ушбу Низомнинг 22-бандига мувофиқ муддати ўтган қарздорликлар юзасидан оширилган ва (ёки) қўшимча фоизлар ҳамда неустойка (жарима ва пенялар) ҳисобланмайди, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасидан қоплаб берилмайди).

8-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Дастур доирасида ажратиладиган кредитлардан бошқа мақсадда фойдаланилганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тижорат банклари белгиланган тартибда кредитларни муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга.

38. Қарз олувчи томонидан тижорат банкдан олинган кредит қарздорликни қайтариш жадвалига мувофиқ 90 кундан ортиқ муддат тўланмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилади.

39. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

597 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйдагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қонунчилик ҳужжатларида ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига ижара ҳуқуқини ижарага берувчининг розилигисиз кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш;

ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйишни расмийлаштириш;

ижара ҳуқуқидан гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириш;

ундирув қаратилган ер участкасига ижара ҳуқуқини очиқ кимошди савдосида реализация қилиш тартиби.

2. Тижорат банклари ва микромолия ташкилотларига ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички қоидаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилсин.

3. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
613-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 сентябрдаги 613-сон қарорига
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига
ижара ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга
қўйиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ижара ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини (кейинги ўринларда — ер участкасига ижара ҳуқуқи) банклар ва микромолия ташкилотларида (кейинги ўринларда — кредит ташкилоти) кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттирилдиган бошқа хусусиятларга эга бўлган қисми;

ижарага берувчи — туман (шаҳар) ҳокимликлари ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига ижара ҳуқуқини беришга ваколатли давлат органлари;

ижарага олувчи — ер ўзига ижара ҳуқуқи асосида бириктирилган ва ер участкаси мавжуд бўлган юридик ёки жисмоний шахс (фермер хўжалиги, агрокластер, кооперация, деҳқон хўжалиги ва бошқа тадбиркорлик субъектлари);

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари — қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун фойдаланиладиган ер участкалари.

3. Ижарага олувчи фақат қонунчиликда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўз ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақли.

4. Ер участкасига ижара ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда гаров объекти бўлиши мумкин эмас:

иккиламчи ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижара ҳуқуқи бекор қилинган ёки низоли бўлган (судлашилаётган, суриштирув ёки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган) ер участкалари;

ер участкасининг ижара шартномасида гаровга қўйишни тақиқловчи ҳолатлар назарда тутилган ер участкалари;

ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган ер участкалари;

ижара шартномасида ижарага бериш муддати тугаган ер участкалари;

давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкасида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаси мавжуд бўлса;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ер участкаси ёки унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда.

5. Ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби кредит ташкилоти томонидан ички қондаларга мувофиқ мустақил белгиланади.

6. Кредит ташкилоти томонидан кредит таъминоти сифатида ижара ҳуқуқи ер участкасининг ижарага бериш муддати ва ер участкасининг бозор қийматидан келиб чиқиб гаровга олинади.

Бунда гаровга қўйилаётган ер участкасининг ижара ҳуқуқи муддати кредитни қайтариш муддатидан камида беш йилдан ортиқ бўлиши лозим.

7. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига ижара ҳуқуқининг қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ баҳолаш орқали белгиланади.

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйишни расмийлаштириш

9. Гаров сифатида таклиф қилинаётган ер участкасига ижара ҳуқуқи режасини тузиш ва гаровга бериладиган қисмини ажратиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

10. Ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган ер участкасига ижара ҳуқуқининг қиймати кўрсатилиши керак.

11. Ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади ва давлат рўйхатидан ўтказилади ҳамда белгиланган тартибда нотариал тасдиқланади.

12. Ер участкасига ижара ҳуқуқи гаровини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиали томонидан амалга оширилади.

13. Гаров ҳуқуқи ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

14. Ер участкасига ижара ҳуқуқи универсал ҳуқуқий ворислик тартибидан бошқа шахсга ўтган тақдирда, гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар гаровга олувчи билан келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, гаровга қўювчининг ҳуқуқий вориси унинг ўрнига ўтади ва гаровга қўювчининг ҳамма мажбуриятларини бажаради.

15. Гаровга қўйилган ер участкасига ижара ҳуқуқи гаровга олувчининг барча талаблари қаноатлантирилгандан кейингина қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бегоналаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ ер участкасига

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижара ҳуқуқи бекор қилинганда, кредит ташкилоти берилган кредитлар ҳамда унга ҳисобланган фоизлар ва пеняларни муддатидан олдин гаровга қўювчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олишга ҳақли.

Гаровга қўйилган ер участкасига ижара ҳуқуқи олиб қўйилганда, кредит ташкилоти қарз олувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш сифатида олинган суммадан ўз талабини қаноатлантиришда имтиёзли ҳуқуққа эга.

3-боб. Гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириш

16. Ер участкасига ижара ҳуқуқини гаровга қўювчи тугатилганда, гаровга олувчи гаров нарсасига муддатидан олдин ундирув қаратиш ҳуқуқига эга.

17. Кредит ташкилоти ўз талабларини гаровга қўйилган ер участкасининг ижара ҳуқуқи ҳисобидан, шунингдек, қарз олувчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қаноатлантиришга ҳақли.

18. Ундирув қаратилган ер участкасига ижара ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида, электрон онлайн-аукцион савдо шаклидаги очиқ кимовши савдосида сотиш орқали мажбурий равишда реализация қилинади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдоларида яшаш жойидан (жойлашган ери), ташкилий-ҳуқуқий шаклидан, бошқа ер участкаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, барча юридик ва жисмоний шахслар (резидентлар) иштирок этиши мумкин.

19. Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган ер участкасига ижара ҳуқуқи бевосита сотиш орқали ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

20. Кредитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилган ер участкасига ижара ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган маблағлар кредит қарздорлигини қоплаш учун етарли бўлмаганда ва (ёки) реализация қилинмаганда, кредит ташкилоти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздорнинг бошқа мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга.

21. Гаровга қўйилган ер участкасига ижарага ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда реализация қилинганда ёки кредит ташкилотининг балансига қабул қилинганда, кредит ташкилоти томонидан ажратилган кредит қопланишидан ортган қисми гаровга қўювчига қайтариб берилади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

22. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган муносабатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

598 **Техникумларда хорижий таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим дастурларини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 16 октябрдаги ПФ–158-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ўрта бўғин кадрларини қўшма таълим дастурлари асосида техникумларда тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 16 октябрдаги ПФ–158-сон Фармонида техникумларда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб техникумларда хорижий таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим дастурлари (кейинги ўринларда — қўшма таълим дастурлари) асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилсин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Техникумларда хорижий таълим ташкилотлари иштирокида қўшма таълим дастурларини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

техникумларда қўшма таълим дастурларини жорий қилиш тартиби;

техникумларга қўшма таълим дастурлари асосида ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда таълим жараёнини ташкил этиш;

техникумларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш.

4. Белгилансинки:

қўшма таълим дастурлари асосида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби қўшма таълим дастурларини амалга оширишдаги ҳамкор хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда техникум томонидан белгиланади ва ўқувчилар ўқишга қабул қилинади;

қўшма таълим дастури бўйича қабул параметрлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда техникум томонидан тасдиқланади;

қўшма таълим дастурлари бўйича қабул жараёнига оид зарур маълумотлар қабул жараёни бошланишидан камида бир ой олдин техникумнинг расмий веб-сайти ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида жойлаштирилади;

қўшма таълим дастурлари асосида техникумларни муваффақиятли таълим олиган битирувчиларга хорижий таълим ташкилоти жойлашган давлатда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

тан олинадиган ҳужжат (диплом ва/ёки сертификат) ҳамда белгиланган тартибда техникумнинг давлат намунасидаги дипломи берилади.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
614-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 сентябрдаги 614-сон қарорига
ИЛОВА

**Техникумларда хорижий таълим ташкилотлари
иштирокида қўшма таълим дастурларини жорий қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом техникум ва хорижий таълим ташкилотларининг ўзаро келишувига мувофиқ жорий этилган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом нодавлат касбий таълим ташкилотлари учун тавсиявий тусга эга ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — хорижий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурини жорий қилишга талабгор техникум;

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

меморандум — жорий этилиши режалаштирилган қўшма таълим дастури экспертизасига қадар техникум ва хорижий таълим ташкилоти томонидан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича имзоланадиган дастлабки келишув ҳужжати;

техникум — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган таълим ташкилоти;

шартнома — техникум ва хорижий таълим ташкилоти ҳамкорликда қўшма таълим дастурини жорий этиш бўйича ваколатли орган томонидан

экспертизадан ўтказилган таълим дастурларини амалга оширишда томонларнинг вазибалари ва мажбуриятларини ифодаловчи ҳужжат;

хорижий таълим ташкилоти — бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий давлатда ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тан олинган (лицензия берилган ва/ёки аккредитациядан ўтказилган) таълим ташкилоти;

қўшма таълим дастури — техникум ва хорижий таълим ташкилоти томонидан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларга тегишли даража(лар)да касбий маълумот олганлиги тўғрисидаги хорижий давлатда ва Ўзбекистонда тан олинган квалификация (диплом ёки сертификат) берилишини назарда тутувчи таълим дастури.

4. Қўйидагилар қўшма таълим дастурини жорий этишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида ўрта бўғин кадрларини маҳаллий ва халқаро меҳнат бозори талабларига мувофиқ тайёрлаш; меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган касб ва мутахассисликлар таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қўшма таълим дастури бўйича таълим олаётган ўқувчиларнинг амалиётини маҳаллий ёки хорижий иш берувчи корхона (ташкилот)ларда ва/ёки ҳамкор хорижий таълим ташкилотларида ташкил этиш;

узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш;

ҳамкорликда семинарлар ўтказиш, стажировкалар ташкил этиш ҳамда халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

5. Техникумларда қўшма таълим дастурини жорий этишда хорижий таълим ташкилоти сифатида қўйидагилар жалб қилинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) мавжуд бўлган ёки қўшма таълим дастури асосида фаолият юритаётган хорижий таълим ташкилоти;

хорижий таълим ташкилотлари жойлашган давлатда ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тан олинган (лицензия берилган ва/ёки аккредитациядан ўтказилган) таълим ташкилоти;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ қўшма таълим дастурини амалга ошириш ваколатига эга таълим ташкилоти.

6. Қўшма таълим дастурлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказилади. Бунда:

ижобий экспертиза ҳулосаси берилган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга рухсат этилади;

қўшма таълим дастури бепул экспертизадан ўтказилади.

2-боб. Қўшма таълим дастурини жорий қилиш тартиби

7. Қўшма таълим дастури ушбу Низомга иловада* келтирилган схема асосида жорий этилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ариза берувчи қўшма таълим дастурини жорий этиш учун ваколатли органга ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳамкор хорижий таълим ташкилот билан имзоланган меморандум нусхаси;

хорижий таълим ташкилотининг ўзи жойлашган давлатда ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилганини ва тан олинганини (лицензия берилганлиги ва/ёки аккредитациядан ўтказилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

қўшма таълим дастурининг мақсади, касбий таълим тизимида кадрлар тайёрланадиган касб ва мутахассисликлари, таълим давомийлиги, шакли ва жойи тўғрисидаги маълумотлар;

қўшма таълим дастурини ишлаб чиқишга асос бўлган миллий малакалар рамкаси, касбий стандартлар, таълим стандартлари, ўқув режаси ва ўқув дастурларининг тасдиқланган нусхалари (танлов фанлари бундан мустасно);

ўқув жараёнида фойдаланиладиган моддий-техник таъминот, шу жумладан, компьютерлар, ўқув устахоналари, ўқув фанлари хоналари тўғрисида маълумотлар;

ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш, кредитларни тан олиш, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини таъминлаш ва ўқитиш натижаларини тан олиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари;

хорижий ҳамкор таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланган таълим якунида бериладиган ҳужжатлар (диплом ёки сертификат)нинг намуна нусхалари.

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган қўшимча маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

9. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ариза берувчининг ихтиёрига кўра ваколатли орган томонидан белгиланган ахборот тизими орқали тақдим этилади.

10. Ваколатли орган ариза келиб тушган кундан бошлаб 15 иш куни мобайнида аризани кўриб чиқади.

11. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган талаблар бажарилганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш соҳасига мос бўлганда, қўшма таълим дастурини жорий этиш бўйича ижобий хулоса берилади.

Қўшма таълим дастурини жорий этиш учун тақдим этилган ариза қуйидаги ҳолларда рад этилади:

зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

аризага илова қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ тақдим этилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ёлғон ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, қўшма таълим дастурини очиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан аризани рад этишга йўл қўйилмайди.

12. Қўшма таълим дастурини жорий этиш бўйича хулоса ваколатли орган томонидан 3 иш куни мобайнида ариза берувчига тақдим этилади.

13. Қўшма таълим дастурини жорий этиш бўйича хулоса салбий бўлганда, ваколатли орган ҳужжатлар тўпламини ариза берувчига қайтаради.

Бунда 15 иш кун муддатда ариза берувчи томонидан кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса ҳамда ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаса, ваколатли орган томонидан бир иш кунда ариза рад этилади ва бу ҳақда ариза берувчи хабардор қилинади.

14. Ваколатли органнинг ижобий хулосасига асосан техникум билан хорижий таълим ташкилоти ўртасида келишилган муддатларда белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

Шартномада қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

шартноманинг мақсади ва предмети;

Ўзбекистон Республикаси ва ҳамкор хорижий таълим ташкилот(лар)и жойлашган давлатларнинг миллий малака рамкалари хусусиятлари;

қўшма таълим дастури тўғрисида маълумот;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги;

кадрлар тайёрладиган касб ва мутахассисликлар;

ўқитиш тили, муддати, шакли ва жойи;

ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби;

қўшма таълим дастури асосида ташкил этилган таълим жараёнини бошқариш тартиби;

ўқувчилар билимини баҳолаш тартиби;

техникумда ва ҳамкор хорижий таълим ташкилотида таълим сифатини мониторинг қилиш ва таъминлаш чора-тадбирлари;

қўшма таълим дастурини жорий этишда ахборот билан таъминлаш (қўллаб-қувватлаш) ва маркетинг бўйича чора-тадбирлар;

ўқитиш натижаларини (ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилганда — кредитларни) ўзаро тан олиш, ўқишни кўчириш тартиби;

қўшма таълим дастурини молиялаштиришга оид масалалар;

таълим дастурига оид интеллектуал мулк ҳуқуқлари;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;

томонлар муносабатларига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ ва низоларни ҳал қилиш тартиби;

тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жойи.

Шартномада томонлар келишувига кўра бошқа шартлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

15. Қўшма таълим дастурини жорий этиш бўйича шартнома ва унга қўшимча келишувларнинг ўқувчиларга ва таълим сифатини таъминлашга тааллуқли бўлган қисми техникумнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

16. Ваколатли орган томонидан қўшма таълим дастури жорий этилган техникумларнинг электрон реестри юритилади.

3-боб. Қўшма таълим дастури асосида ўқувчиларни қабул қилиш

17. Қўшма таълим дастури асосида ўқувчилар техникум томонидан ҳамкор хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланган тартибга мувофиқ ўқишга қабул қилинади.

Тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда уни тўлаш тартиби техникум ва ҳамкор хорижий таълим ташкилоти томонидан тегишли касб ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзаро келишилган ҳолда белгиланади.

18. Ҳар йили қўшма таълим дастурлари асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари ваколатли орган билан келишган ҳолда техникум томонидан тасдиқланади.

19. Қўшма таълим дастури асосида ҳужжат топшириш ваколатли орган томонидан белгиланган ёки рухсат берилган тегишли платформа орқали он-лайн шаклда амалга оширилади ва имтиҳон натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг кейинги кунни техникумнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

20. Қўшма таълим дастури асосида хорижий фуқаролар белгиланган тартибда ўқишга қабул қилиниши мумкин.

4-боб. Қўшма таълим дастури асосида ўқув жараёнини ташкил этиш

21. Қўшма таълим дастури асосида техникумларда ўқув жараёнини ташкил этиш учун касб ва мутахассисликларнинг ишчи ўқув режаси ва ўқув дастурлари техникум томонидан хорижий таълим ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилади.

22. Қўшма таълим дастури асосида ўқув жараёни графиги касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларидан келиб чиқиб, техникум директори томонидан ҳамкор хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Қўшма таълим дастурларининг ўқув режасида белгиланган мутахассислик фанларининг камида 25 фоизи ҳамкор хорижий таълим ташкилоти дастурлари асосида ўқитилади.

24. Техникумларда қўшма таълим дастури асосида таълим олаётган ўқувчилар хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда, таълим дастурининг бир қисмини ҳамкор хорижий таълим ташкилотидан давом эттириши мумкин.

Хорижий таълим ташкилотларига ўқувчиларни ўқишини давом эттириш ҳамда амалиётга юбориш билан боғлиқ харажатлари ҳамкор хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда хорижий таълим ташкилоти, қўшма таълим дастури асосида ўқиётган ўқувчилардан тушадиган тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ёки ўқувчи томонидан қопланади.

Зарур бўлганда қўшма таълим дастури доирасида машғулотлар замона-

вий ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш усулларидадан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

25. Қўшма таълим дастури асосида ўқув жараёнига жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий ўқитувчилар ёки ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори техникум томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига иш берувчилар, халқаро ҳамкорлар ва хорижий таълим ташкилотлари маблағлари ҳисобидан қўшимча ойлик рағбатлантириш устамалари тўланиши мумкин.

26. Қўшма таълим дастури асосида таълим олаётган ўқувчилар билими техникум томонидан ҳамкор хорижий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

27. Қўшма таълим дастурлари асосида таълим олаётган ўқувчилар техникумининг ўқув интизоми, ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши мажбурий ҳисобланади.

28. Қўшма таълим дастури асосида таълим олаётган ўқувчилар ўқув жараёнида техникумининг бино ва иншоотлари, тегишли ўқув жиҳозлари, моддий-техник базаси, кутубхонаси, маҳаллий ва хорижий (шу жумладан, қўшма таълим дастури ўқитиш тилидаги) ўқув адабиётлари, ўқитиш материаллари тўпламлари, электрон ресурсларидан бепул фойдаланади.

29. Қўшма таълим дастурлари асосида таълим олган битирувчилар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органнинг электрон ахборот тизимида киритилади.

30. Техникумининг қўшма таълим дастури битирувчиларига хорижий таълим ташкилоти жойлашган давлатда ҳамда Ўзбекистонда тан олинган квалификация (давлат намунасидаги диплом ёки сертификат) белгиланган тартибда берилади.

Дипломга иловага қўшма таълим дастури бўйича қўшимча маълумотлар киритилади.

31. Қўшма таълим дастури асосида таълим олаётган ўқувчиларни ўқишини кўчириш, ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш, шунингдек, академик таътил бериш, уларни курсдан-курсга қолдириш таълим жараёни ташкил этилган ёки амалга оширилаётган давлатдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

32. Ваколатли орган зарур ҳолларда қўшма таълим дастурининг таълим сифатини, таълим жараёни ташкил этилишини, педагог ходимларнинг меҳнат фаолиятини, ўқувчиларнинг ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини (билимини), ўқув жараёнини амалга ошириш учун яратилган шароитларни ўрганади.

Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда таълим сифатини ошириш бўйича техникумга таклиф киритади.

Аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, техникумининг

ушбу Низом талабларига риоя қилмасдан ташкил этилган қўшма таълим дастурларига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тўхтатилади.

33. Қўшма таълим дастурлари асосида таълим олаётган ўқувчилар ўқишини фанлар фарқини топшириш шarti билан мос таълим даражасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат касбий таълим ташкилотида давом эттиришига рухсат этилади.

34. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

35. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**599 Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори ижросини таъминлаш, олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларини иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалий кўникмаларга эга кадрлар қилиб тайёрлаш ҳамда уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарорига мувофиқ касбий ва олий таълим ташкилотларини тамомлаган ёшларни электрон платформа орқали, шу жумладан, иш берувчиларнинг талабномаларини киритишни назарда тутган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини жорий қилиш назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчилари (кейинги ўринларда — битирувчилар)нинг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштиришни электрон платформа орқали амалга ошириш;

битирувчиларнинг амалиётини ташкил этиш бўйича шартномани электрон шаклда расмийлаштириш;

электрон платформани «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига интеграция қилиш орқали олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини мониторинг қилиш.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) 2026 йил 1 январга қадар битирувчиларнинг амалиёт ўташи ҳамда иш берувчиларнинг талабномаларини киритишни назарда тутган ҳолда, уларни ишга жойлаштиришни рақамлаштириш ва тегишли ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлашга қаратилган платформани ишга туширсин.

Бунда электрон платформани ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

б) 2026 йил 1 майга қадар электрон платформани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 октябрда эълон қилинган.

аро дастурий-аппарат комплексига, Солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг тегишли ахборот тизимларига ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилсин;

в) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб битирувчиларнинг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш жараёнларини платформа орқали амалга оширишни йўлга қўйсин.

4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари олий ва касбий таълим ташкилотларини тамомлаган, бироқ банд бўлмаган битирувчиларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
615-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 сентябрдаги 615-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг
амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини
рақамлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг корхона (ташкилот)ларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

амалиёт — таълим бериш жараёнида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустақкамлаш, эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича билим ва кўникмага эга бўлиш учун ўқув жараёнининг корхона (ташкилот)да ташкил этиладиган амалий қисми;

битирувчи — ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган, ўқиш даврида тўплаши лозим бўлган кредитларни тўлиқ тўплаган ва амалиётларни муваффақиятли яқунлаган олий таълим ташкилоти талабаси ёки касбий таълим ташкилоти ўқувчиси;

корхона (ташкилот) — таълим ташкилоти билан битирувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартнома тузган юридик шахс;

платформа — олий ва касбий таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — таълим ташкилоти) битирувчиларининг амалиёт ўташ, малака ошириш ҳамда ишга жойлаштириш жараёнларини рақамлаштириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон ахборот тизими.

Платформа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги «Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва фаолияти қўллаб-қувватланади.

3. Ушбу Низом қоидалари нодавлат олий ва касбий таълим ташкилотлари учун тавсиявий тусга эга ҳисобланади.

2-боб. Битирувчиларнинг амалиётини ташкил этиш

4. Битирувчиларнинг амалиёти ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

5. Таълим ташкилоти ҳар йили 1 октябрга қадар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига (кейинги ўринларда — Дастур) киритилган корхона (ташкилот) билан битирувчилар амалиётини ўташи бўйича шартнома тузиш мақсадида платформа орқали ушбу корхона (ташкилот)га сўров юборади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Амалиётни ташкил этиш бўйича таълим ташкилоти ва корхона (ташкилот) ўртасида шартнома амалиёт бошланишидан камида уч ҳафта олдин платформа орқали расмийлаштирилади.

7. Таълим ташкилоти амалиёт бошланишидан камида бир ҳафта олдин амалиётни ташкил этиш бўйича буйруқ асосида битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади ҳамда корхона (ташкилот)га юборади.

8. Корхона (ташкилот) платформага амалиёт бошланишидан камида уч кун олдин битирувчиларга амалиётни ўтказиш бўйича бириктирилган масъул (ходим)лар тўғрисидаги маълумотларни киритади.

9. Амалиёт бошлангандан у тугагунга қадар амалиёт даврида таълим ташкилоти томонидан белгиланган амалиёт раҳбари ва корхона (ташкилот) дан бириктирилган масъул (ходим) платформа орқали битирувчиларнинг амалиётда қатнашининг кунлик давоматини юритади.

10. Амалиёт якунида таълим ташкилоти ва корхона (ташкилот) битирувчилар томонидан амалиётни ўташ даврида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмаларини баҳолайди.

Битирувчи амалиётдан четлаштирилган тақдирда, таълим ташкилоти томонидан белгиланган амалиёт раҳбари четлаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжатни платформага юклайди.

3-боб. Битирувчиларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш

11. Битирувчиларни ишга жойлаштириш ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

12. Таълим ташкилоти ҳар йили якуний давлат аттестацияси хулосаси асосида битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади.

13. Корхона (ташкилот) Дастурга ҳар ойнинг 25-санасига қадар ўзлари учун зарур кадрлар, шу жумладан, вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотларни киритиб боради.

14. Таълим ташкилоти ўзини ўзи банд қилган битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни платформага ҳар йили август ойида «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали киритиб боради.

Мазкур битирувчилар «ўзини ўзи банд қилган» сифатида ҳисоботларда акс эттирилади.

15. Битирувчиларни ишга қабул қилган корхона (ташкилот) тўғрисидаги маълумотлар Дастурда бўлмаганда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги платформа орқали ушбу иш берувчиларга доимий равишда Дастурда рўйхатдан ўтиши тўғрисида хабарнома юборади.

16. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ишга жойлашмаган ва платформада «бандлиги таъминланмаган» битирувчиларнинг манзилли рўйхатини платформа орқали Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг «Бандлик хизмати» ахборот тизимига реал вақт режимида юборади. Бунда ушбу рўйхат асосида ҳудудлар кесимида маҳаллий ижро этувчи

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳокимият органлари билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ишга қабул қилинган ва меҳнат шартномалари Дастурда рўйхатдан ўтказилган битирувчилар платформада автоматик тарзда «бандлиги таъминланган» сифатида қайд этилади.

17. Битирувчилар ишга жойлашгандан сўнг малака оширишга эҳтиёж мавжуд бўлганда, улар томонидан таълим ташкилотига мурожаат қилинади.

4-боб. Платформа орқали битирувчиларнинг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштиришда корхона (ташкилот) ҳамда таълим ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

18. Корхона (ташкилот) битирувчилар амалиётини ташкил қилиш ва ишга қабул қилишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

амалиёт даврида платформа орқали битирувчиларнинг билимини баҳолаш;

таълим ташкилоти томонидан амалиётга йўналтирилган битирувчилар таълим йўналиши ва касби ҳамда амалиёт дастури корхона (ташкилот) фаолият соҳасига мос бўлмаса, таълим ташкилоти билан юборилган амалиёт шартномасини келишмаслик;

битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни амалиёт бошланишидан камидан бир ҳафта олдин платформа орқали олиш;

битирувчиларга амалиёт жараёнларида таълим ташкилотидан бириктирилган амалиёт раҳбари тўғрисидаги маълумотларни платформа орқали олиш;

битирувчи амалиётдан четлаштирилган тақдирда, таълим ташкилотига битирувчини амалиётдан четлаштирилганини тасдиқловчи ҳужжатни платформага юклаш бўйича сўров юбориш;

таълим ташкилотининг қисқа муддатли курсларида малака ошириш ҳамда касбга ўргатиш тўғрисидаги таклифлари ва улар учун белгиланган тўлов миқдори билан платформа орқали танишиш.

19. Корхона (ташкилот) битирувчилар амалиётини ташкил этишда ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

таълим ташкилоти билан ҳамкорликда битирувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартномани платформада расмийлаштириш;

платформада корхона (ташкилот) томонидан битирувчиларга амалиётни ўтказиш бўйича масъул (ходим)ларни бириктириш;

амалиёт даврида платформа орқали битирувчиларни амалиётда қатнашининг кунлик давоматини олиб бориш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

касблар бўйича қисқа муддатли курсларда малака оширишга эҳтиёж бўлган тақдирда, ушбу ходимлар тўғрисидаги маълумотларни платформага киритиш;

платформага вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотларни киритиш ва эълон қилиш.

20. Таълим ташкилоти битирувчиларнинг амалиётини ташкил қилишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

корхона (ташкилот)нинг амалиёт жараёнларини ташкил этиш ҳолатини баҳолаш;

корхона (ташкилот)га амалиёт ўташ учун юбориладиган битирувчиларга бириктириладиган масъул (ходим)лар тўғрисидаги маълумотларни платформа орқали олиш;

корхона (ташкилот)нинг вакант лавозимлари ҳақидаги маълумотлари билан платформа орқали танишиш.

21. Таълим ташкилоти битирувчиларнинг амалиётини ташкил қилишда ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

корхона (ташкилот) билан ҳамкорликда битирувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартномани платформада расмийлаштириш;

корхона (ташкилот)га амалиёт ўташ учун юбориладиган битирувчилар таркиби тўғрисидаги маълумотларни амалиёт бошланишидан камида бир ҳафта олдин платформага киритиш;

битирувчиларга амалиёт жараёнларида таълим ташкилотидан амалиёт раҳбарини бириктириш ва улар тўғрисидаги маълумотларни платформага киритиш;

платформа орқали битирувчиларни амалиётда қатнашишининг кунлик давоматини ҳамда фаолияти ва самарадорлиги баҳоланишини мониторинг қилиш;

корхона (ташкилот) томонидан амалиётда иштирок этмаган битирувчиларни амалиётга жалб этиш ёки амалиётдан четлаштириш тўғрисидаги таклифлари асосида тегишли чоралар кўриш;

битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни платформага киритиш.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Платформага маълумотларнинг ўз вақтида ва тўғри киритилишига таълим ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳамда корхона (ташкилот) раҳбарлари масъул ҳисобланади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

600 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида*

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини самарали ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ижро учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг жавобгарлигини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (кейинги ўринларда — Ҳукумат қарорлари) ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорлик 2025 йил 1 октябрдан «Ijro.gov.uz» тизими орқали ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ҳар томонлама, яъни иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш;

Ҳукумат қарорларининг ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш;

Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш учун амалий механизмларни ва бажаришнинг реал муддатларини кўрсатиш;

ташкилий, ижро ва назорат фаолияти ягона тизимининг натижадорлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини белгилаш.

3. Ҳукумат қарорларининг ижроси қуйидаги тартибда ташкил этилиши белгилансин:

биринчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси имзоланган Ҳукумат қарорларини бир соат давомида рўйхатдан ўтказиб, «Ijro.gov.uz» тизимига киритиш учун бир кун муддатда Адлия вазирлигига юборати;

иккинчи босқич — Ҳукумат қарорлари келиб тушган вақтдан бошлаб Адлия вазирлиги назоратга олинган Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни бир кун муддатда «Ijro.gov.uz» тизимига киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди;

учинчи босқич — давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳар ойнинг 25-санасигача ижро муддати кейинги ойда келадиган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар бўйича йўл харитаси ва амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлайди, Ҳукумат қарорлари тўлиқ ва ўз вақти-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 октябрда эълон қилинган.

да бажарилишини таъминлайди ва бу ҳақида «Ijro.gov.uz» тизимига белгиланган шаклдаги маълумотларни ўз вақтида киритади;

тўртинчи босқич — Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни бир иш куни ичида тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги умумлаштирилган ҳисоботларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

бешинчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси бир иш куни ичида масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган ва Адлия вазирлиги томонидан келишилган маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади. Бунда ҳар ойда Раёсат мажлисларида Ҳукумат қарорлари ижроси натижадорлигини танқидий кўриб чиқади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, Ҳукумат қарорларидаги ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритиб борилади.

6. Адлия вазирлигига:

«Ijro.gov.uz» тизимидаги Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро ҳолатини ҳар ой тизимли таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва натижаларини умумлаштирган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини «жойига чиққан» ҳолда ўрганиш, ўрта ва қуйи бўғинларда ишларнинг реал ҳолатини, муаммоларнинг асл сабабларини таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келётган тизимли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш мақсадида ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари Адлия вазирлигида давлат органлари ва ташкилотлари вакиллари билан «жонли мулоқот» ўтказиш;

ижро интизомини таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тақдимномалар киритиш;

ҳар ойнинг 25-санасида «Ijro.gov.uz» тизимида ижро муддати келгуси ойда келадиган топшириқлар шакллантирилиб, давлат органлари ва ташкилотларига эслатмалар юбориш вазифалари юклансин.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-

ликда Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича киритилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини «Ijgo.gov.uz» тизими орқали текшириш имкониятини таъминлаш учун давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини «Ijgo.gov.uz» тизимига босқичма-босқич интеграция қилсин;

«Ijgo.gov.uz» тизимидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, Президент Администрацияси раҳбарининг фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати юзасидан ҳисоботларни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали автоматик шакллантириш имконияти яратилишини таъминласин;

б) «Ijgo.gov.uz» тизимидан фойдаланувчиларнинг асосли таклифларини инобатга олган ҳолда уни доимий равишда модернизация қилиб борсин.

8. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинма раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиси ҳамда Бош вазир котибияти раҳбари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
616-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг
ижросини «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона
электрон тизими орқали ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — «Ijgo.gov.uz» тизими) орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (кейинги ўринларда — Ҳукумат қарорлари) ижросини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Ijgo.gov.uz» тизимидаги Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилиши Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиги томонидан назорат қилинади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

масъул ижрочилар — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари;

оператор — «Ijgo.gov.uz» тизими узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи Рақамли технологиялар вазирлиги қошидаги «Ўзбектелеком» АК таъсисчилигидаги «UNICON-SOFT» масъулияти чекланган жамияти;

4. Ҳукумат қарорларининг ижроси ва назорати ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ қуйидаги тартибда таъминланади:

биринчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси (Умумий бўлим) Ҳукумат қарорларини «Ijgo.gov.uz» тизимига киритиш учун Адлия вазирлигига юборади;

иккинчи босқич — Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларини масъул ижрочилар ва уларни бажариш муддатларини аниқ кўрсатган ҳолда «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади;

учинчи босқич — масъул ижрочилар Ҳукумат қарорлари тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва бу ҳақида «Ijgo.gov.uz» тизимида асословчи ҳужжатлар билан бирга маълумот киритади;

тўртинчи босқич — Адлия вазирлиги масъул ижрочилар томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимида киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, заруратга кўра жойига чиққан ҳолда ўрганади, уларни келишади ёки қайта ишлашга юборади;

бешинчи босқич — Вазирлар Маҳкамаси масъул ижрочилар томонидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини «Ijgo.gov.uz» тизими орқали мунтазам назорат қилади, Адлия вазирлиги томонидан келишилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, шунингдек, ҳар ой якуни бўйича Раёсат мажлисларида ижро интизоми хо-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

латини муҳокама қилади, камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан таъсир чораларини белгилайди.

5. Рақамлаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар:

Ҳукумат қарорларидаги рақамлаштиришга оид топшириқлар ижроси «Ijgo.gov.uz» электрон тизимида Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилгандан сўнг;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш тўғрисидаги топшириқлар — ушбу ҳужжат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг назоратдан олинади.

Ҳукумат қарорларидаги топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилгандан сўнг улар қабул қилингунга қадар бўлган босқичлар қўшимча равишда «Ijgo.gov.uz» электрон тизимида назоратга олинади.

Бунда ўрнатилган тартибда киритилган норматив-ҳужжат лойиҳаси тегишли ташкилотга қайта ишлаш учун юборилганда топшириқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимида қайта назоратга олинади. Агар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, тегишли топшириқ «Ijgo.gov.uz» тизимидан назоратдан ечилади.

6. Ҳукумат қарорларидаги маълум бир тартиб ёки тизимни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ топшириқлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб қилинган тақдирда, ҳужжат қабул қилингандан сўнг топшириқ тўлиқ бажарилган деб ҳисобланади. Бунда:

масъул ижрочи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилгандан кейин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингунга қадар ҳар ойда, бироқ энг кўпи билан бир йил давомида топшириқ ижро ҳолати бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимида маълумот киритиб боради;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқнинг ижро муддати бевосита Адлия вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади.

7. Бир хил мазмундаги ёки фақат масъул ижрочилари ва бажариш муддатлари бир-биридан фарқ қиладиган олдин берилган Ҳукумат қарорларидаги топшириқ кейинроқ қабул қилинган Ҳукумат қарори ёки юқори юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида назоратдан ечилади.

8. Ҳукумат қарорларидаги топшириқ «Ijgo.gov.uz» тизимидаги асосий масъул ижрочидан назоратдан ечилгандан сўнг ҳамижрочи ҳисобланган бошқа ижрочилардан ҳам «Ijgo.gov.uz» тизимида автоматик равишда назоратдан ечилади.

9. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижро муддати:

белгиланмаган бўлса — уларни бажариш муддати бир йил;

доимий топшириқларнинг «Ijgo.gov.uz» тизимида назоратдан ечиш муддати (Ҳукумат қарорларида доимий топшириқлар бажарилишининг якуний муддати аниқ белгиланган ҳолатлар бундан мустасно):

хар ҳафта (ёки бир ойгача муддат) бўлса — уларнинг якуний ижро муддатлари бир йил;

хар ой ва хар чорак бўлса — уларнинг якуний ижро муддатлари икки йил;

хар ярим йил ва хар йили бўлса — уларнинг якуний ижро муддатлари уч йил этиб белгиланади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддати хар ой, хар чорак, хар ярим йил ёки хар йили этиб белгиланган ҳолатларда «Ijgo.gov.uz» тизимида ушбу топшириқларнинг ижро муддати кейинги ойнинг 10-санасига қадар белгиланиши мумкин.

Ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган Ҳукумат қарорларидаги доимий топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот хар олти ойда масъул ижрочилар томонидан «Ijgo.gov.uz» тизимига киритиб борилиши лозим.

Доимий топшириқларнинг «Ijgo.gov.uz» тизимидан ечилиши уларнинг ижросини давом эттириш мажбуриятидан озод қилмайди.

10. Масъул ижрочилар томонидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимга киритиладиган ижро натижалари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича киритиладиган расмий маълумот биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган бўлиши;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар «PDF» форматада, амалий натижаларни акс эттириш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда — уларни ифода этувчи бошқа форматлардаги маълумотлар илова қилинган бўлиши.

11. «Ijgo.gov.uz» тизимида ижро муддати уч ой ва ундан ошадиган Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро ҳолати юзасидан оралиқ маълумот киритилиши лозим.

12. «Ijgo.gov.uz» тизимида оралиқ маълумотлар қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

масъул ижрочи хар бир топшириқни бажаришга доир ҳаракатлар жадвалини хронологик тартибда ишлаб чиқади ва тизимга киритади;

масъул ижрочи «Ijgo.gov.uz» тизимида белгиланган ижро муддатининг тенг ярмида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот хатини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тизимга киритади;

Адлия вазирлиги киритилган оралиқ маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни келишади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга юборади;

Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Адлия вазирлиги томонидан келишилган оралиқ маълумотларининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни келишади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга юборади.

Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими томонидан келишилган топшириқлар бўйича киритилган оралиқ маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини Вазир-

лар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими кўриб чиқади, уларни назоратдан ечади ёки қайта ишлашга юборди.

13. Оралиқ маълумотлар мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатиб ўтилган тартибда қабул қилинган, топшириқнинг бажарилиши юзасидан якуний маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимида киритишга рухсат берилади.

2-боб. «Ijgo.gov.uz» тизимида Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш тартиби

1-§. Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш

14. Вазирлар Маҳкамаси томонидан юборилган Ҳукумат қарорлари келиб тушган вақтдан бошлаб Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси (кейинги ўринларда — Ижро назорати бошқармаси) томонидан бир кун муддатда масъул ижрочилар ва уларни бажариш муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолда «Ijgo.gov.uz» тизимида киритилади.

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини таъминлаш жараёнида заруратга кўра Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда «Ijgo.gov.uz» тизимида қўшимча ижрочи белгиланиши мумкин.

15. Ижро назорати бошқармаси:

ҳар ойнинг 20-санасида ижро муддати келган, бироқ бажарилмаган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар, шунингдек, муддати ой якунига қадар келадиغان топшириқлар бўйича;

ҳар ойнинг 25-санасида ижро муддати кейинги ойда келадиغان Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар бўйича рўйхатни шакллантиради ва масъул ижрочиларга эслатмалар юборди.

16. Ижро назорати бошқармаси Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижросини таъминлашда юзага келаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш ва ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш мақсадида ҳар ҳафта пайшанба ва жума кунлари Адлия вазирлигида масъул ижрочилар вакиллари билан бирга-ликда «жонли мулоқот» ташкил этади.

2-§. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш

а) Давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппарати томонидан Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш

17. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида масъул ходим томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда бу ҳақида раҳбариятга ахборот берилади.

18. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

19. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул таркибий бўлинма заруратга кўра раҳбариятга ахборот берган ҳолда ҳудудий бўлинмалар ёки тизим ташкилотларига бажариш механизми бажариш муддатларини аниқ белгилаган ҳолда юборади.

Бунда давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппарати масъул таркибий бўлинмаси ҳудудий бўлинмалар ёки тизим ташкилотлари томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва таъминлашда кўмаклашиши зарур.

20. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма бу ҳақида раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

21. Давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппаратининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси:

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

агар Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

22. Давлат органлари ва ташкилотларида Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида;

ҳар чоракда — ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

б) Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари томонидан Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш

23. Давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппаратидан амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатлари аниқ белгиланган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида ҳудудий бўлинмалар ва тизим

ташкilotлари масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

24. Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкilotлари раҳбарияти бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

25. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

26. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга давлат органлари ва ташкilotларининг марказий аппаратига юборади.

27. Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкilotларининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга давлат органлари ва ташкilotларининг марказий аппаратига ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

28. Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкilotларида Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида (биринчи ўринбосар штати мавжуд бўлмаган ёки вакант ҳолларда — ўринбосар);

хар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

3-§. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

29. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари (кейинги ўринларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар) масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар раҳбарияти бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

31. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларида-

ги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул таркибий бўлинма заруратга кўра раҳбариятга ахборот берган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликларига амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгилаб, топшириқни юборади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг масъул таркибий бўлинмаси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

32. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма бу ҳақида раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси:

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси эътирозлар билан қайта ишлашга юборган бўлса, масъул таркибий бўлинма камчиликларни зудлик билан бартараф этиши ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритилишини назоратга олади.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларда Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳузурида;

ҳар чоракда — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

б) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар-

дан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида туман (шаҳар) ҳокимлиги масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

36. Туман (шаҳар) ҳокимлиги раҳбарияти бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

37. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

38. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки ҳокимликка юборади.

39. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки ҳокимликка ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

40. Туман (шаҳар) ҳокимликларида Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:
хар ҳафта жума кuni — ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;
хар ҳафта душанба кuni — ҳоким ҳузурида;

хар чоракда — халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари йиғилишида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

4-§. Хўжалик бирлашмалари томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

а) Хўжалик бирлашмалари марказий аппарати томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

41. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмаси марказий аппарати масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.

42. Хўжалик бирлашмалари раҳбарияти бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

43. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

Масъул таркибий бўлинма, заруратга кўра, раҳбариятга ахборот бер-

ган ҳолда ҳудудий бўлинмаларга амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгилаб, топшириқни юборади. Бунда масъул таркибий бўлинма ҳудудий бўлинмалар томонидан топшириқ бажарилишини қатъий назоратга олиши ва ижросини таъминлашда кўмаклашиши зарур.

44. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга «Ijgo.gov.uz» тизимига киритади.

Агар «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма бу ҳақида раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни зудлик билан бартараф этади ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритади.

45. Хўжалик бирлашмасининг назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинмаси:

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар «Ijgo.gov.uz» тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади;

Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътирозлар билан қайта ишлашга юборилса, масъул таркибий бўлинма камчиликларни зудлик билан бартараф этиши ва тегишли маълумотларни «Ijgo.gov.uz» тизимига қайтадан киритишини назоратга олади.

46. Хўжалик бирлашмаларида Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:

ҳар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

ҳар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида;

ҳар чоракда — хўжалик бирлашмалари бошқарув органи мажлисларида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

б) Хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ҳукумат қарорларининг ижросини ташкил этиш

47. Хўжалик бирлашмалари марказий аппаратидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ҳамда улар бўйича назорат режалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида хўжалик бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан рўйхатдан ўтказилади ва раҳбариятга ахборот берилади.

48. Ҳудудий бўлинмалар раҳбарияти бир кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.

49. Масъул таркибий бўлинма уч кун муддатда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади.

50. Масъул таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар

ижроси бўйича амалга оширилган ва раҳбар (истисно ҳолларда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга хўжалик бирлашмасининг марказий аппаратида киритади.

51. Назорат ва ижро интизомини таъминлаш вазифаси юкланган таркибий бўлинма Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича маълумотлар тасдиқловчи зарур ҳужжатлар билан бирга хўжалик бирлашмасининг марказий аппаратида ўз вақтида тақдим этилишини назоратга олади.

52. Хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларида Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати:

хар ҳафта жума куни — раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида;

хар ҳафта душанба куни — раҳбар ҳузурида муҳокама қилинади.

Бунда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади.

5-§. Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган Ҳукумат қарорлари ижросини ташкил этиш

53. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибияти (кейинги ўринларда — Бош вазир котибияти) Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар юзасидан заруратга кўра Бош вазир ёки унинг ўринбосари топшириғини ёки назорат режасини тайёрлайди, белгиланган тартибда имзолаш (тасдиқлаш) учун Бош вазир ёки унинг ўринбосарига киритади.

54. Ҳукумат бевосита масъул этиб белгиланган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича белгиланган тартибда имзоланган (тасдиқланган) Бош вазир топшириғи ёки назорат режалари ижросини таъминлаш мақсадида «Ijro.gov.uz» тизимида масъул ижрочиларни белгилаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлимига юборилади.

55. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмаси, Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими тасдиқланган Бош вазир топшириғи ёки назорат режалари асосида масъул ижрочиларга юборилган топшириқлар ижросини назорат қилади.

3-боб. Ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш тартиби

1-§. Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш тартиби

а) Адлия вазирлиги марказий аппарати томонидан Ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш тартиби

56. Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг бажарилишини доимий таҳлил қилиб боради ва назорат қилади.

57. Адлия вазирлиги тасдиқланган график асосида Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан соҳалар ва тармоқлар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганиш ўтказади.

58. Ижро назорати бошқармаси қўйидаги ҳолларда Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни назоратга олиш учун Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлинмаларига «Ijro.gov.uz» тизими орқали юборади:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмалари Ҳукумат қарорларида тўғридан-тўғри масъул ижрочи этиб белгиланганда;

б) Ҳукумат қарорлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишлилиги бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларига ижро учун юборилганда ёки уларнинг ижроси бевосита тегишли ҳудуднинг ўзида амалга оширилиши назарда тутилганда.

59. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимга киритилган маълумотлар Ижро назорати бошқармаси томонидан бир иш кунидан кечиктирмай (қўшимча ўрганиш талаб этилганда — беш иш кунида) таҳлил қилинади.

60. Таҳлил қўйидагилар орқали амалга оширилади:

маълумотлар ва илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқлигини ўрганиш;

маълумотлар ҳаққонийлигини заруратга кўра жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

тор ихтисосликлар бўйича киритилган маълумотларни (бажарилган ишларни) соҳага оид ташкилотларга сўровлар юбориш ёки мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганиш;

маълумотларда ноаниқликлар мавжуд бўлган тақдирда, масъул ижروحидан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш.

61. Таҳлил жараёнида Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимида киритилган маълумотларга қўйидаги мезонлар асосида баҳо берилади:

қонунийлик — Ҳукумат қарорларида назарда тутилган маъмурий тартиб-таомиллар ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилгани;

долзарблик — амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятига мослиги;

тўлиқлик — Ҳукумат қарорларида кўзланган мақсадга (кўрсаткичга) эришилгани (сони, миқдори, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар);

ҳаққонийлик — Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимида киритилган маълумотларнинг амалда қилинган ишлар билан ўзаро мувофиқлиги;

масъулиятлилик — Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш борасида масъул ижрочилар томонидан ўз ваколати доирасида барча зарур чоралар кўрилгани.

62. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича киритилган маълумотлар таҳлили натижасига кўра Ижро назорати бошқармаси:

топшириқ бажарилган бўлса — масъул ижрочи томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни келишади;

топшириқ бажарилмаган ёки тасдиқловчи зарур ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

63. Ҳукумат қарорларидаги рақамлаштиришга оид топшириқлар ижроси бўйича киритилган маълумотлар қўйидаги тартибда кўриб чиқилади:

Ижро назорати бошқармаси маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текшириш учун Рақамли технологиялар вазирлигига «Ijro.gov.uz» тизими орқали юборади;

Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги юзасидан тегишли хулосани бир кун муддатда «Ijro.gov.uz» тизимига киритади;

Ижро назорати бошқармаси Рақамли технологиялар вазирлигининг хулосаси асосида масъул ижрочи томонидан «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган маълумотларни келишади ёки уларни қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборади.

Масъул ижрочи томонидан камчиликлар бартараф қилиниб, «Ijro.gov.uz» тизимига маълумотлар қайта киритилганда юқоридаги жараён такрорланади.

64. «Ijro.gov.uz» тизимига зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаган ёки нотўғри маълумотларни киритган масъул ижрочиларга Адлия вазирлиги томонидан мазкур камчиликларни зудлик билан бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар юборилади.

Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаган масъул ижрочиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланади.

б) Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан Ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш тартиби

65. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари ўз ҳудудларига доир Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боради.

66. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини таъминлашда ҳокимликларга ва ҳудудий масъул ижрочиларга ҳуқуқий-услубий жиҳатдан кўмаклашади.

67. Ижро назорати бошқармаси кўрсатмасига мувофиқ бир иш кунда (қўшимча ўрганиш талаб қилинганда — уч иш кунда) Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси амалда бажариш ва ундан кўзланган мақсадга эришилганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Бунда ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, имзоланган ҳолда «Ijro.gov.uz» тизими орқали Ижро назорати бошқармасига тақдим қилинади.

68. Ижро назорати бошқармасининг ҳудудий бўлимлари тегишли ҳудуд бўйича бажарилмаган ва муддати кечиктириб бажарилган Ҳукумат қарорла-

ридаги топшириқлар таҳлили ва ҳисобини юритади ҳамда натижаси бўйича умумлаштирилган ахборотни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Ижро назорати бошқармасига тақдим қилиб боради.

2-§. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш тартиби

69. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари масъул ижрочилар томонидан Ҳукумат қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мунтазам таҳлил қилиб, назоратини амалга оширади.

70. Ижро интизомини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ва муддати ўтган топшириқлар бўйича ҳар ҳафта давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбар ўринбосарлари, масъул департамент, бошқарма, бўлим раҳбарлари ҳамда ижро интизомига масъул таркибий бўлинма раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

71. Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими иш режага мувофиқ Ҳукумат қарорлари ижросининг жойлардаги амалий натижаси, ижро интизоми ҳолати, раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги масаласини жойларга чиққан ҳолда комплекс ўрганади.

Комплекс ўрганишлар натижалари бўйича тайёрланган материаллар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот берилади, заруратга кўра Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилинади.

72. Бош вазир котибияти таркибий бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари бир кун муддатда (қўшимча ўрганиш талаб этилганда уч кун муддатда) масъул ижрочилар томонидан Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича «Irgo.gov.uz» тизимига киритилган ва Адлия вазирлиги томонидан келишилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижаларига кўра:

топшириқ бажарилган бўлса — топшириқни назоратдан ечишни келишади;

топшириқ бажарилмаган бўлса ёки тасдиқловчи зарур ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса — масъул ижрочиларга қайта ишлашга юборади.

Бунда маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими жавобгар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси бевосита масъул бўлган, шунингдек, Бош вазир котибияти таркибий бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари томонидан келишилган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар бўйича киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими кўриб чиқади, уларни назоратдан ечади ёки қайта ишлашга юборади.

73. Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича Адлия вазирлиги томонидан ҳар ой якуни бўйича тайёрланиб, белгиланган тартибда киритилган таҳлилий ҳужжатлар асосида ижро интизоми ҳолати Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида масъул ижрочилар иштирокида танқидий кўриб чиқилади.

74. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ижро интизоми масалаларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

75. Вазирлар Маҳкамаси график асосида Ҳукумат қарорларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан соҳалар ва тармоқлар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни олиб боришда иштирок этади.

76. Вазирлар Маҳкамаси ҳар ой якунлари бўйича Ҳукумат қарорлари ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ахборот бериб боради.

4-боб. Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш, киритиш ва Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш тартиби

1-§. Масъул ижрочилар томонидан Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати бўйича маълумотни Адлия вазирлигига киритиш тартиби

77. Масъул ижрочилар Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлайди ҳамда ижро натижалари бўйича «Ijgo.gov.uz» тизимига маълумотларни уларнинг ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга киритади.

78. Масъул ижрочилар ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи санасига қадар «Ijgo.gov.uz» тизимидаги ўзлари масъул бўлган ва бажарилмаган Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни таҳлил қилади ва уларнинг ижро ҳолати бўйича биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотни Адлия вазирлигига тақдим этади.

2-§. Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби

79. Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича таҳлилий ҳужжатлар ушбу Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ тайёрланади, киритилади ва Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилади.

80. Адлия вазирлиги ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар муддати келган Ҳукумат қарорлари ижро ҳолатини ҳамда масъул ижрочилар томонидан бажарилмаган Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар бўйича тақдим этилган маълумотларни танқидий таҳлил қилади, шунингдек, ушбу Низомга 3-иловадаги* намунавий шаклга мувофиқ умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлайди.

81. Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича тайёрланган

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хужжатлар тўплами адлия вазири (истисно ҳолларда тегишли вазир ўринбосари) томонидан имзоланган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

3-§. Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича киритилган таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш тартиби

82. Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижроси бўйича киритилган таҳлилий материаллар асосида Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг ўн иккинчи санасига қадар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси хужжатлари тўплами тайёрланади ҳамда ҳимояси ташкил этилади.

83. Ижро интизомини таъминлаш ҳамда Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижросини таҳлил қилиш масалалари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси кун тартибига киритилади.

84. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида:

ҳисобот даврида Ҳукумат қарорлари ижро ҳолати бўйича адлия вазирининг (истисно ҳолларда тегишли вазир ўринбосарининг) ҳамда ижро интизомини таъминлашда камчиликларга йўл қўйган давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг (уларнинг ўринбосарлари) ҳисоботи эшитилади;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни бажаришда жиддий камчиликларга йўл қўйган, Ҳукумат қарорлари ижросини тўғри ва ўз вақтида ташкил этишда зарур чоралар кўрмаган раҳбар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалалари кўриб чиқилади;

Ҳукумат қарорларидаги топшириқлар ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш бўйича таклифлар асослилиги муҳокама қилинади;

Ҳукумат қарорлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш масалалари кўриб чиқилади.

85. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси Регламентида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш тартиби

86. Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддати (асос мавжуд бўлганда) қуйидаги тартибда узайтирилади:

Вазирлар Маҳкамаси асосий ижрочи бўлганда — Вазирлар Маҳкамасининг Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан;

қолган барча ҳолатларда — бевосита Адлия вазирлиги томонидан.

87. «Ijro.gov.uz» тизимида Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг

ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш ушбу Низомга 4-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

88. Ҳукумат қарорларидаги топшириқларни:

белгиланган муддатларда бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, масъул ижрочилар томонидан уларнинг ижро муддатини узайтириш бўйича;

бажариш имконияти мавжуд бўлмаганда ёки долзарблигини йўқотганда, назоратдан олиш бўйича таклифлар Адлия вазирлигига киритилади.

Бунда қуйидаги намунавий шакллардаги ҳужжатлар «Ijro.gov.uz» тизимида киритилади:

расмий алоқа хати (5-илова*);

асослантирувчи жадвал (5а-илова*);

тармоқ жадвали (5б-илова*);

назоратдан олиш бўйича киритилган таклифлар юзасидан таҳлилий жадвал (5г-илова);

раҳбар (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган тушунтириш хати.

89. Адлия вазирлиги Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш бўйича таклифларни таҳлил қилади ва натижаси бўйича хулоса тайёрлайди.

Адлия вазирлиги томонидан Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш бўйича таклифлар юзасидан тайёрланган хулосалар ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

90. Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш бўйича Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилиб, хулоса берилган таклифлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

91. Ҳукумат қарорларидаги топшириқларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳамда алоҳида тартибда назоратдан олиш бўйича Адлия вазирлиги томонидан маъқулланган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси билан розилик берилган таклифлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот бериб, тегишли чораларни белгилайди.

6-боб. Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар олиб бориш

92. Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни (кейинги ўринларда — манзилли ва тематик ўрганишлар) ҳамда уларнинг жойлардаги ижро ҳолати мониторингини амалга оширади.

* 4 — 5б-илловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

93. Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик ўрганишлар дастури Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили январь ойида масъул ижрочилар таклифлари асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

94. Тасдиқланган манзилли ва тематик ўрганишлар дастуридаги режа-графикка мувофиқ Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмалари Ҳукумат қарорларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида ўрганишлар ўтказилади.

Манзилли ва тематик ўрганишда бошқа манфаатдор ташкилотлар жалб қилиниши, масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

95. Ҳукумат қарорларининг ижро ҳолати юзасидан ўтказилган манзилли ва тематик ўрганишлар натижаси бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

96. Вазирлар Маҳкамасининг масъул таркибий бўлинмаси манзилли ва тематик ўрганишлар натижаси бўйича киритилган маълумотларни ўрганиб чиқиб, камчиликларга йўл қўйган раҳбарларни жавобгарликка тортиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун киритади.

7-боб. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник жихатдан ташкил қилиш ва фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни бошқариш тартиби

97. «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишни техник жихатдан ташкил қилишда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда оператор томонидан маълумотларни бошқаришни ташкил этиш тартиби ушбу Низомга 6-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

98. «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишда Рақамли технологиялар вазирлиги:

«Ijro.gov.uz» тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўради; масъул ижрочиларга ушбу тизимдан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

«Ijro.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг таклифларига асосан тизимни такомиллаштиради ва модернизация қилади.

99. «Ijro.gov.uz» тизимининг ишлашини техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида оператор қуйидагиларни амалга оширади:

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, улаш, электрон рақамли имзо калитлари билан таъминлаш ва ўқитиш;

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг таклифларига асосан «Ijgo.gov.uz» тизимини модернизация қилиш ва «Ijgo.gov.uz» тизимининг янги шакллари ишга тушириш;

«Ijgo.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиларига «Call-марказ» орқали «Ijgo.gov.uz» тизимидан фойдаланиш, шу жумладан, «Ijgo.gov.uz» тизимида фойдаланувчилар хато ёки нотўғри ишлашининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

«Ijgo.gov.uz» тизимининг функционал ва фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш мақсадида тизимнинг ишлашини таҳлил қилиш.

100. «Ijgo.gov.uz» тизимида янги фойдаланувчиларни улаш учун операторнинг почта манзилига белгиланган шаклдаги тўлдирилган аризалар юборилади. Аризанинг намунавий шакли «Ijgo.gov.uz» тизимида бириктирилади.

101. Оператор аризани олган кундан бошлаб уч иш куни ичида «Ijgo.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси билан шартнома тузади.

102. «Ijgo.gov.uz» тизимида уланиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан ва операторнинг банкдаги ҳисобварағига тўлов келиб тушгандан сўнг оператор уч иш куни давомида:

ҳимояланган аппарат қурилмаларида уланаётган фойдаланувчининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитини ва очик калити сертификатини генерациялашни;

«Ijgo.gov.uz» тизимининг янги фойдаланувчисига ёки унинг ишончли вакилига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва очик калити сертификати бўлган ҳимояланган аппарат қурилмаси берилишини таъминлаш шарт.

103. «Ijgo.gov.uz» тизимининг иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни бошқариш оператор томонидан таъминланади.

104. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш (маълумотларни киритиш, ўзгартириш, янгилаш, ўчириш) ишлари масъул ижрочи кадрлар бўлинмаси томонидан ушбу ташкилотнинг ижро интизоми учун масъул бўлган таркибий тузилмасини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

105. «Ijgo.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси тўғрисида маълумотлар киритилгандан кейин унга электрон рақамли имзонинг ёзилган ёпиқ калити ва очик калитининг сертификатига эга ҳимояланган аппарат қурилмаси берилади.

106. «Ijgo.gov.uz» тизимида кириш учун тизим фойдаланувчиси томонидан ҳимояланган аппарат қурилмасидан фойдаланилади.

107. Ходим («Ijgo.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси) билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳимояланган аппарат қурилмаси кадрлар бўлинмасига топширилиши керак.

108. Операторнинг «Ijgo.gov.uz» тизимининг ахборот хавфсизлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

109. Масъул ижрочиларнинг раҳбарлари Ҳукумат қарорларидаги топ-

шириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммолар ҳал қилиниши, шунингдек, олдиндан қўйилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш натижалари ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

110. «Ijgo.gov.uz» тизими фойдаланувчилари Ҳукумат қарорларидаги топшириқлардан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тақдим этилиши, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизимида ишлаганда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланадилар.

111. Оператор «Ijgo.gov.uz» тизимининг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

112. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

601 Урганч давлат тиббиёт институти фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 22 апрелдаги ПҚ–149-сон қарорига мувофиқ тиббиёт соҳасида юқори малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламини янада ошириш, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, соҳадаги илғор ютуқ ва инновацияларни даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 22 апрелдаги ПҚ–149-сон қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали Урганч давлат тиббиёт институти (кейинги ўринларда — Институт) этиб қайта ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали клиникасини Урганч давлат тиббиёт институти клиникаси (кейинги ўринларда — Институт клиникаси) этиб;

Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали академик лицейини Урганч давлат тиббиёт институти академик лицейи (кейинги ўринларда — Институт лицейи) этиб қайта номлаш.

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базаси фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

талабаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

етакчи хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун қўшма таълим ва академик мобиллик дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига илғор ва масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, юқори

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 октябрда эълон қилинган.

малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини фаол такомиллаштириш;

тиббиёт таълими ва илм-фаннинг амалиёт билан интеграция қилинишини таъминлаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш;

истиқболли инновацион, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг натижаларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш;

Институт клиникасининг фаолиятига хорижий тажрибалар асосида замонавий даволаш-профилактика ва реабилитация усулларини кенг татбиқ этиш;

бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Институтнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

4. Белгилансинки:

а) Институт Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида таҳсил олаётган талабалар Институтда мос бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида ўқишини давом эттиради ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда давлат намунасидаги Институт дипломи берилади;

в) Институт клиникаси ва Институт лицейи муассиси Институт ҳисобланади ҳамда уларнинг фаолияти Институт томонидан мувофиқлаштирилади;

г) Институт, Институт клиникаси, Институт лицейи давлат муассасалари ҳисобланади ва шахсий газна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади;

д) Институт клиникаси бош шифокори ва Институт лицейи директори Институт Кенгашининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

е) Хоразм вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари (кейинги ўринларда — техникумлар) Институтга бириктирилади.

Бунда Институт:

техникумлар таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб, уларда зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратади ва ўқув жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этиб боради;

техникумларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

клиникалари техникумлар учун клиник база бўлиб хизмат қилади;

кафедралари ўз йўналишида техникумларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради.

5. Қўйидагилар:

2025-2026 йилларда Урганч давлат тиббиёт институтини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

Урганч давлат тиббиёт институтини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Институтга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, «устоз-шогирд» тизими бўйича ишларнинг бажарилишига қараб уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш олади ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда, Институт томонидан Институт лицейининг ўқув-услубий жараёнларини мувофиқлаштириш ва унинг таълим йўналишларини белгилаш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш.

Мазкур бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Белгилансинки:

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Институтда таянч докторантура ва докторантура ташкил этилади;

Институт симуляцион маркази, виварий ва моргларнинг жиҳозланиши Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қўйидагилар:

а) Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Институт лицейи фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;
в) Институт клиникаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;
амалга оширилган ва кўрсатилган тиббий хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

Институт уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 октябрь,
621-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI****602 O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan
nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirish tartibi
to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2209-4*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2011-yil 5-fevraldagi 4/4-son qarori (ro‘yxat raqami 2209, 2011-yil 14-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 10-11-son, 111-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 11-sentabr,
21/10-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
11-sentabrdagi 21/10-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan nobank
kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirish tartibi to'g'risidagi
nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 3-bandning ikkinchi xatboshisidagi “(mikromoliya tashkiloti, lombard va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti)” degan so'zlar “(mikromoliya tashkiloti, lombard, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti va faktoring tashkiloti)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 10-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Nazorat tartibida tekshirish masofadan nazorat qilish natijalariga ko'ra ilgari tekshirishda ko'rsatilgan qoidabuzarliklarning bartaraf etilmaganligi yoki ularning bartaraf etilganligi haqidagi ma'lumotlar taqdim etilmaganligi yoxud haqqoniy bo'lmagan ma'lumotlar taqdim etilganligi aniqlanganda Markaziy bankning Bank nazorati qo'mitasi qaroriga asosan o'tkazilishi mumkin.”.

3. 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirishda tekshiruvchi mansabdor shaxslarning tarkibi ular tomonidan bajariladigan ishlar hajmi va xususiyatidan kelib chiqqan holda shakllantiriladi hamda Markaziy bank yoki uning hududiy bosh boshqarmasining farmoyishiga ilova tariqasida tasdiqlanadi.”.

4. 18-bandning oltinchi xatboshisi chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

603 Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 61-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2431-4*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 8-iyuldagi PF–99-son “Yashirin iqtisodiyotga qarshi kurashish faoliyatini samarali tashkil etishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 23-iyuldagi 462-son “Ayollar daftari”, “Yoshlar daftari” va “Saxovat va ko‘mak” jamg‘armalari mablag‘lari hisobidan ijtimoiy yordam ko‘rsatish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirining 2012-yil 28-dekabrda 508-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2431, 2013-yil 26-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 9-son, 120-modda) bilan tasdiqlangan Oliy va o‘rta maxsus, professional ta‘lim tashkilotlarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 61-bandidagi “O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-sentabr,
367-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-sentabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

604 O‘zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti
(18-sonli BHS) “Hisobot sanasidan keyingi hodisalar”ni
tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
29-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3681*

O‘zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining
“Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (18-sonli BHS)
“Hisobot sanasidan keyingi hodisalar” ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq 2026-yil 1-yanvardan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-avgust,
284-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
26-avgustdagi 284-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti
(18-sonli BHS) “Hisobot sanasidan keyingi hodisalar”**

Mazkur O‘zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (18-sonli BHS) “Hisobot sanasidan keyingi hodisalar” (bundan buyon matnda Standart deb yuritiladi) byudjet tashkilotlari, davlat maqsadli jamg‘armalari va boshqa byudjetdan tashqari jamg‘armalarning (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) hisobot sanasidan keyingi hodisalar bo‘yicha moliyaviy hisobotlariga tuzatishlar kiritish zarur bo‘lgan holatlar hamda ular to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni yoritib berish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Standartda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:
hisobot sanasidan keyingi hodisalar — hisobot sanasi va moliyaviy hisobotni e‘lon qilish uchun tasdiqlangan sana oralig‘ida sodir bo‘ladigan tashkilotga foyda yoki zarar keltiradigan hodisalar;

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-sentabrda e‘lon qilingan.

hisobot sanasi — moliyaviy hisobotlar tegishli bo'lgan hisobot sanasining oxirgi kuni;

haqqoniy qiymat — baholash sanasida bozor ishtirokchilari o'rtasidagi odatdagi operatsiyada aktivni sotishdan olinishi yoki majburiyatni o'tkazish uchun to'lanishi mumkin bo'lgan narx;

faoliyatning uzluksizligi — tashkilotning muntazam faoliyat ko'rsatishi;

tasdiqlash sanasi — moliyaviy hisobotlarni tasdiqlash vakolatiga ega bo'lgan shaxs yoki organ tomonidan moliyaviy hisobotlarni e'lon qilish uchun belgilangan sana;

reyestrurizatsiya — tashkilotning rahbariyati tomonidan rejalashtiriladigan va nazorat qilinadigan dastur bo'lib, unga ko'ra tashkilotning faoliyat doirasi yoki ushbu faoliyatni amalga oshirish usullarining o'zgartirilishi nazarda tutiladi.

2. Quyidagi hisobot sanasidan keyingi hodisalar tashkilotning uzluksiz faoliyatiga ta'sir qilishi mumkin:

hisobot sanasida mavjud bo'lgan holatlarni ko'rsatadigan hodisalar (tuzatishni talab etadigan hodisalar);

hisobot sanasidan keyin yuzaga kelgan holatlarni ko'rsatadigan hodisalar (tuzatishni talab etmaydigan hodisalar);

3. Mazkur Standart tashkilotlar tomonidan hisobot sanasidan keyingi hodisalarni hisobga olish va ularni yoritib berish uchun qo'llaniladi.

4. Hisobot sanasidan keyingi hodisalar tashkilotning faoliyati uzluksiz emasligini ko'rsatsa, bunday tashkilotning moliyaviy hisoboti faoliyat uzluksizligi asosida tayyorlanmasligini lozim.

2-bob. Moliyaviy hisobotlarni e'lon qilish uchun tasdiqlash

5. Moliyaviy hisobotlar tashkilotning rahbari (yoki u vakolat bergan shaxs) va bosh hisobchisi tomonidan, jamlanma moliyaviy hisobotlar byudjet mablag'larini taqsimlovchilarning rahbari (yoki u vakolat bergan shaxs) va bosh hisobchisi tomonidan tasdiqlanadi.

Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni tasdiqlash O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vaziri (yoki u vakolat bergan shaxs) va vazirlikning bosh hisobchisi (yoki mas'ul xodim) tomonidan amalga oshiriladi.

6. Tasdiqlangan moliyaviy hisobotlarga o'zgartirishlar kiritish vakolatiga ega bo'lgan organ tomonidan hisobotlarni e'lon qilish muddatlari o'zgartirilishi mumkin. Agar tegishli organ moliyaviy hisobotlarga o'zgartirishlar kiritish vakolatiga ega bo'lsa, moliyaviy hisobotlarga o'zgartirishlarni tasdiqlash sanasi vakolatli organ tomonidan moliyaviy hisobotlarni tasdiqlash sanasi sifatida belgilanadi.

3-bob. Hisobot sanasidan keyingi hodisalar bo'yicha tuzatishlar kiritish

7. Hisobot sanasidan keyingi hodisalar tashkilotning moliyaviy hisobotida tan olingan summalarga tuzatish kiritishni talab etadigan yoki tuzatish kiritishini talab etmaydigan hodisalarga bo'linadi.

8. Tashkilot tomonidan tuzatish kiritishni talab etadigan hodisalarni aks ettirish uchun moliyaviy hisobotda tan olingan summalarga tuzatishlar kiritilishi lozim.

9. Tuzatishlar kiritishni talab etadigan hisobot sanasidan keyingi hodisalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

a) hisobot davrida boshlanib, hisobot sanasidan keyin yakunlangan sud ishi bo'yicha tashkilotning majburiyati mavjudligini tasdiqlovchi sud hujjatining qabul qilinishi. Bunda, tashkilot ushbu sud ishi yuzasidan oldin tan olingan har qanday baholangan majburiyatga O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (16-sonli BHS) "Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar"ga (ro'yxat raqami 3562, 2024-yil 22-oktabr) muvofiq tuzatish kiritadi va yangidan baholangan majburiyatni tan oladi;

b) hisobot sanasidan keyin aktivning hisobot davri oxirida qadrsizlanganligi yoki bunday aktiv bo'yicha oldin tan olingan qadrsizlanish summasiga tuzatish kiritilishi lozimligi to'g'risida ma'lumot olinishi (masalan, hisobot sanasidan keyin xaridorning bankrotlikka uchrashi, hisobot sanasidan oldin xarid qilingan aktivlarning xarajatlari yoki sotilgan aktivlardan olingan daromadlar hisobot sanasidan keyin aniqlanishi);

d) hisobot davridagi daromadlarni taqsimlash to'g'risidagi hujjatlarga muvofiq boshqa davlat organlari bilan taqsimlanishi kerak bo'lgan daromad miqdori hisobot sanasidan keyin aniqlanishi;

e) hisobot sanasidan keyin hisobot davri uchun xodimlarga to'lanishi lozim bo'lgan mukofot pullarining aniqlanishi (agar hisobot sanasi bilan moliyaviy hisobotni tasdiqlash sanasi oralig'ida sodir bo'ladigan hodisalar natijasida bunday to'lovlarni amalga oshirish bo'yicha yuridik yoki konstruktiv majburiyatga ega bo'lsa);

f) moliyaviy hisobotda xatoliklar mavjud ekanligini ko'rsatuvchi holatlarning aniqlanishi.

10. Tashkilot tuzatishlar kiritishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisalarni aks ettirish uchun moliyaviy hisobotda tan olingan summalarga tuzatishlar kiritmasligi lozim.

11. Tuzatishlar kiritishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

a) hisobot sanasidan moliyaviy hisobotni e'lon qilish sanasigacha bo'lgan davrda mulkning haqqoniy qiymatining pasayishi (agar tashkilot mulkni muntazam ravishda haqqoniy qiymatga qayta baholash siyosatini qabul qilgan bo'lsa). Bunda, haqqoniy qiymat pasayishi hisobot sanasidagi mulk holatiga emas, balki keyingi davrda yuzaga kelgan vaziyatlarga bog'liq bo'ladi hamda muntazam qayta baholash natijalariga qaramay, tashkilot o'z moliyaviy hisobotida ko'rsatilgan mulkning haqqoniy qiymatlariga o'zgartirish kiritmasligi lozim.

b) hisobot sanasidan moliyaviy hisobotni e'lon qilish sanasigacha bo'lgan davrda mulkning haqqoniy qiymatining sezilarli darajada pasayishi (agar bu pasayish hisobot sanasidagi mulkning holatiga bog'liq bo'lmasdan, hisobot sanasidan keyin yuzaga kelgan holat bilan bog'liq bo'lsa);

d) muayyan davlat xizmatini amalga oshirish uchun mas'ul bo'lgan davlat

boshqaruvi organi ushbu xizmatdan foydalanayotgan shaxslarga hisobot sanasidan tasdiqlash sanasigacha bo'lgan davrda qo'shimcha imtiyozlar berishi.

12. Quyidagilar moliyaviy hisobotda ma'lumotlarning yoritib berilishi talab etiladigan va tuzatishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisalar hisoblanadi:

haqqoniy qiymat bo'yicha hisobga olingan mulk qiymatining sezilarli darajada pasayishi (agar bu pasayish hisobot sanasidagi mulkning holatiga bog'liq bo'lmasdan, hisobot sanasidan keyin yuzaga kelgan holat bilan bog'liq bo'lsa);

tashkilotning hisobot sanasidan keyin o'z faoliyatining ishtirokchilariga kelgusida qo'shimcha imtiyozlar berishga qaror qabul qilishi;

hisobot sanasidan keyin tizimidagi tashkilotning tugatilishi yoki tashkilot tomonidan amalga oshiriladigan faoliyatning to'liq yoxud asosiy qismi autsorsingga berilishi;

tashkilotning faoliyati yoki asosiy rivojlantirish dasturlarini tugatish rejasini e'lon qilishi natijasida tegishli aktivlarni sotish, majburiyatlarni bajarish yoxud bularni amalga oshirish yuzasidan majburiy shartnomalar tuzishi;

tashkilotni faoliyat uchun muhim bo'lgan aktivlarni xarid qilishi yoki hisobdan chiqarishi;

hisobot sanasidan keyin mulkning favqulodda holatlar natijasida vayron bo'lishi;

tashkilot faoliyatining qayta tashkil etilishi yoki uni amalga oshirishning boshlanishi;

rivojlantirish dasturlari doirasida jismoniy va yuridik shaxslarga berilgan kreditlardan voz kechilishi bo'yicha qonunchilik hujjatlarining qabul qilinishi;

hisobot sanasidan keyin aktivlar qiymatining yoki valyuta kurslarining sezilarli darajada o'zgarishi;

hisobot sanasidan keyin tashkilotning shartli majburiyatlarni qabul qilishi;

hisobot sanasidan keyin sodir bo'lgan hodisalar tufayli yuzaga kelgan sud jarayonining boshlanishi.

4-bob. Faoliyat uzluksizligi va restrukturizatsiya

13. Moliyaviy hisobotni tuzish davomida tashkilotning uzluksiz faoliyat ko'rsatishini aniqlash har bir tashkilot tomonidan ko'rib chiqilishi lozim. Bunda, tashkilotning uzluksizligini baholash davlatga emas, tashkilotlarga taalluqli bo'ladi.

14. Agar hisobot sanasidan keyin moliyaviy hisobotlarni tayyorlashga mas'ullar yoki boshqaruv organi tashkilotni tugatish yoki uning byudjetdan tashqari faoliyatini to'xtatish (tugatish) qaroriga kelsa, tashkilot moliyaviy hisobotni faoliyat uzluksizligi asosida tayyorlamasligi lozim.

15. Tashkilotlarda faoliyat uzluksizligi bilan bog'liq masalalar, qoida tariqasida davlat tomonidan tashkilotlarning faoliyatini to'xtatish (tugatish) haqida qarorlar e'lon qilingan taqdirdagina yuzaga keladi.

16. To'liq yoki sezilarli darajada o'zini o'zi moliyalashtiradigan tashkilotlar moliyaviy hisobotni tayyorlashda uzluksiz faoliyat ko'rsatishini aniqlashi zarur.

17. Agar tashkilotning faoliyatini uzluksiz davom ettirish imkoni mavjud

bo'lmasa, mazkur holat moliyaviy hisobotlarda majburiy ravishda aks ettirilishi lozim. Bunday o'zgarishlarning ta'siri tashkilotning aniq sharoitlariga, jumladan, faoliyatning boshqa tashkilotga o'tkazilishi yoki tashkilot tugatilishiga qarab belgilanadi.

Bunda, aktivlar va majburiyatlarning qoldiq (balans) qiymatini o'zgartirish zarurligini aniqlash talab etiladi.

Faoliyatning uzluksizligi davom ettirilmaganda, vaziyatning o'zgarishi qo'shimcha majburiyatlarni paydo bo'lishiga olib kelishi yoki qarz shartnomalarida muayyan qarzlarni joriy majburiyat sifatida qayta tasniflashga olib kelishini (olib kelmasligini) ham hisobga olish lozim.

18. Hisobot sanasidan keyin e'lon qilingan restrukturizatsiya tuzatish kiritishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisa sifatida tasniflangan taqdirda, mazkur Standart talablari asosida tegishli ma'lumotlar yoritilishi lozim. Restrukturizatsiya bo'yicha baholangan majburiyatni tan olish tartibi O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (16-sonli BHS) "Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar"ga (ro'yxat raqami 3562, 2024-yil 22-oktabr) muvofiq belgilanadi.

5-bob. Ma'lumotlarni yoritib berish

19. Tashkilot moliyaviy hisobotlarni tasdiqlash sanasi va kim tomonidan tasdiqlanganligi to'g'risidagi ma'lumotni moliyaviy hisobotga tushuntirishlarda yoritib berishi lozim. Moliyaviy hisobotlarning tasdiqlash sanasi foydalanuvchilar uchun muhim hisoblanib, hisobotlarda mazkur sanadan keyin sodir bo'lgan hodisalar aks ettirilmaydi.

20. Agar tashkilot hisobot sanasidan keyin, biroq moliyaviy hisobot e'lon qilinishidan oldin hisobot sanasida mavjud bo'lgan shartlarning o'zgarishiga oid ma'lumotlarni olsa, ushbu shartlar yangi olingan ma'lumotlar asosida tegishli ravishda o'zgartirilishi lozim.

21. Hisobot sanasidan keyingi hodisalar bo'yicha ma'lumotlarning yoritib berilishi tashkilotning moliyaviy hisobotlarida tan olingan summalarini aniq aks ettirmasligi mumkin (masalan, O'zbekiston Respublikasi byudjet hisobining standarti (16-sonli BHS) "Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar"ga (ro'yxat raqami 3562, 2024-yil 22-oktabr) asosan hisobot sanasidan keyin hisobot davrida mavjud bo'lgan shartli majburiyat bo'yicha dalillar paydo bo'lishi).

22. Agar tuzatishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisalar muhim ahamiyatga ega bo'lsa, mazkur ma'lumotlarni yoritib bermaslik foydalanuvchilarning moliyaviy hisobotlar asosida qabul qiladigan iqtisodiy qarorlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin hamda tashkilot tuzatishni talab etmaydigan hisobot sanasidan keyingi hodisalarning har bir muhim toifasi uchun hodisaning tavsifi va moliyaviy ta'siriga baho berish yoki bunday baholashni o'tkazish mumkin emasligi to'g'risidagi ma'lumotlarni yoritib berishi lozim.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG‘I**605** Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3682*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 13-maydagi 313-son “Mehnat migratsiyasi jarayonlarini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to‘g‘risidagi yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Migratsiya agentligi, Davlat xavfsizlik xizmati va Tashqi ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 17-sentabr,
523-son

Kelishildi:

Migratsiya agentligi direktori

B. MUSAYEV

2025-yil 25-iyun

*Davlat xavfsizlik xizmati
raisi o‘rinbosari*

D. ANARKULOV

2025-yil 25-iyul

*Tashqi ishlar vazirining
birinchi o‘rinbosari*

B. A‘LOYEV

2025-yil 21-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirining 2025-yil 17-sentabrdagi
523-son buyrug'iga
ILOVA

**Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O'zbekiston
Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish
biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to'g'risidagi
YO'RIQNOMA**

Ushbu Yo'riqnoma xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O'zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini (bundan buyon matnda xorijga chiqish pasporti deb yuritiladi) rasmiylashtirib berish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Yo'riqnomada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

readmissiya — xorijiy davlat hududida amalda bo'lgan chet el fuqarolarining va fuqaroligi bo'lmagan shaxslarning kirishi, chiqishi va bo'lishi masalalari bo'yicha qonunchilikni buzgan holda mazkur xorijiy davlatga kirgan yoki u yerda bo'lgan shaxsni O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalarida belgilangan tartib, shartlar va maqsadlarga ko'ra ushbu xorijiy davlatning vakolatli davlat organlari tomonidan topshirish va O'zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organlari tomonidan qabul qilib olish jarayoni;

readmissiya qilingan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari (bundan buyon matnda readmissiya qilingan fuqaro deb yuritiladi) — xorijiy davlat hududida amalda bo'lgan chet el fuqarolarining va fuqaroligi bo'lmagan shaxslarning kirishi, chiqishi va bo'lishi masalalari bo'yicha qonunchilikni buzgan holda mazkur xorijiy davlatga kirganligi yoki u yerda bo'lganligi uchun xorijiy davlatning vakolatli davlat organlari tomonidan topshirilgan va O'zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organlari tomonidan qabul qilib olingan O'zbekiston Respublikasining fuqarolari;

talabnoma — xorijga chiqish pasporti oluvchi haqida ma'lumotlarni yig'ish punkti tomonidan shakllantirilgan biografik ma'lumotlar va biometrik parametrlarni o'z ichiga olgan elektron hujjat.

2. Mazkur Yo'riqnoma xorijiy davlatlardan readmissiya qilinmagan O'zbekiston Respublikasi fuqarolariga nisbatan qo'llanilmaydi.

**2-bob. Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan shaxslarning
ro'yxatini yuritish**

3. Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Migratsiya va personallashtirish departamenti (bundan buyon matnda MvaPD deb yuritiladi) tomonidan "Pasport-viza" avtomatlashtirilgan axborot tizimiga (bundan buyon matnda "Pasport-viza" AAT deb yuritiladi) kiritiladi.

4. O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalariga muvofiq readmissiya qilingan fuqarolarga “Pasport-viza” AATga ularning readmissiya qilinganligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar kiritilgan kundan boshlab ikki yil davomida xorijga chiqish pasportini berish bo‘yicha davlat xizmati ko‘rsatilmaydi.

5. MvaPD va uning hududiy bo‘linmalari hamda davlat xizmatlari markazlari xodimlari tomonidan yoki fuqaroning o‘zi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirish to‘g‘risidagi elektron talabnoma shakllantirilganda, talabnoma avtomatik ravishda “Pasport-viza” AATda onlayn tekshiruvdan o‘tkaziladi.

Bunda, fuqaro xorijiy davlatlardan readmissiya qilinganligi aniqlangan taqdirda, elektron talabnoma axborot tizimlarida avtomatik ravishda rad etiladi.

3-bob. Readmissiya qilingan fuqarolarga xorijga chiqish pasporti rasmiylashtirib beriladigan istisno holatlar

6. Quyidagi holatlarda istisno tariqasida readmissiya qilingan fuqarolarga xorijga chiqish pasporti vakolatli davlat organlarida readmissiya qilingan fuqaroni xorijga chiqishiga to‘sqinlik qiluvchi boshqa ma‘lumotlar mavjud bo‘lmaganda rasmiylashtirib beriladi:

readmissiya qilingan fuqaroning yaqin qarindoshi xorijda vafot etganda;

readmissiya qilingan fuqaro yoki uning yaqin qarindoshiga xorijiy davlatda ixtisoslashgan tibbiy yordam ko‘rsatish yoki jarrohlik amaliyotini o‘tkazish zarur bo‘lganda;

fan olimpiadasi, ta‘lim yoki xalqaro sport musobaqasida ishtirok etadigan bo‘lsa;

yashash joyi O‘zbekiston Respublikasining chegara zonasi va eksklav hududlarida bo‘lganda;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari, shuningdek O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi rahbarining topshiriqlari ijrosini ta‘minlash zarur bo‘lganda.

7. Readmissiya qilingan fuqarolarga istisno tariqasida xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirib berishda quyidagi ma‘lumotlar asos bo‘ladi:

xorijiy tibbiy xulosa yoki o‘lim haqidagi guvohnoma (ma‘lumotnoma);

xorijiy davlatda ixtisoslashgan tibbiy yordam ko‘rsatish yoki jarrohlik amaliyotini o‘tkazish zarurligi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi yoki uning hududiy boshqarmalari tomonidan berilgan yo‘llanma;

readmissiya qilingan fuqaroning fan olimpiadasi, ta‘lim yoki xalqaro sport musobaqasiga yuborilayotganligi to‘g‘risida mas‘ul vakolatli davlat organining ma‘lumotnomasi;

readmissiya qilingan fuqaroning yashash joyi O‘zbekiston Respublikasining chegara zonasi va eksklav hududlarda ekanligini tasdiqlovchi ma‘lumot;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari, shuningdek O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi rahbarining topshiriqlari.

Readmissiya qilingan fuqaroning yaqin qarindoshi xorijda vafot etganda

O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi xorijiy tibbiy xulosa yoki o‘lim haqidagi guvohnomani (ma‘lumotnoma) olishda readmissiya qilingan fuqaroga belgilangan tartibda ko‘maklashadi.

4-bob. Readmissiya qilingan fuqarolarga istisno tariqasida xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirish uchun hujjatlarni ko‘rib chiqish

8. Readmissiya qilingan fuqarolar istisno tariqasida xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirish uchun asoslantirilgan hujjatlarni taqdim etgan holda MvaPDga yoki uning hududiy boshqarmalariga murojaat qiladi.

Bunda, readmissiya qilingan fuqaroning yashash joyi to‘g‘risidagi ma‘lumot O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining “Manzil” avtomatlashtirilgan axborot tizimidan avtomatik ravishda olinadi.

Taqdim etilgan hujjatlar 3 ish kunida MvaPD yoki uning hududiy boshqarmalari tomonidan ko‘rib chiqilib, “Pasport-viza” AATga istisno tariqasida readmissiya qilingan fuqarolarga xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirib berish mumkinligi to‘g‘risida ma‘lumot kiritiladi.

9. Ma‘lumotlar “Pasport-viza” AATga kiritilganidan keyin readmissiya qilingan fuqaroga xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirishni rad etish avtomatik ravishda bekor qilinadi va readmissiya qilingan fuqaroga xorijga chiqish pasportini rasmiylashtirish bo‘yicha davlat xizmatini ko‘rsatish imkoni yaratilganligi to‘g‘risida xabarnoma yuboriladi.

10. Readmissiya qilingan fuqarolarga istisno tariqasida xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirish va berish bo‘yicha davlat xizmatlarini ko‘rsatish O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 26-dekabrda PQ–4079-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining xorijga chiqishlari tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

5-bob. Yakuniy qoida

11. Ushbu Yo‘riqnoma talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

606 Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun otanonalar to‘lovini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2993-3

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi hamda Moliya vazirligining 2018-yil 27-fevraldagi 3-2018 va 33-son qarori (ro‘yxat raqami 2993, 2018-yil 5-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2018-yil 9-aprel, 14-son, 290-modda) bilan tasdiqlangan Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun otanonalar to‘lovini to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 2-bandi birinchi xatboshisi va 7-bandidagi “doimiy yashash joyi” degan so‘zlar “yashash joyi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta‘lim, fan va
innovatsiyalar vaziri**

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 24-sentabr,
49-qq-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 19-sentabr,
288-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 2-oktabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRINING
BUYRUG‘I**607** O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tomonidan
qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga
o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3683*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarini, chet el fuqarolarini hamda fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni yashash joyi va turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Sh. XALMUXAMEDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 25-sentabr,
875-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 2-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
mudofaa vazirining 2025-yil 25-sentabrdagi
875-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tomonidan
qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2019-yil 20-dekabdagi 1236-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3216, 2020-yil 31-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 31.01.2020-y., 10/20/3216/0120-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari aviatsiyasining uchuvchilar tarkibini tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 5-ilovasi matnidagi "Doimiy yashash joyi" degan so'zlar "Yashash joyi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. O'zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2020-yil 11-fevraldagi 130-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3226, 2020-yil 16-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 16.03.2020-y., 10/20/3226/0313-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi qo'shinlariga kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to'g'risidagi nizomda:

17-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"17. Kontrakt bo'yicha harbiy xizmatga kirish istagini bildirgan fuqaro yashash joyidagi mudofaa ishlari bo'yicha boshqarmaga mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shakldagi ariza bilan murojaat qiladi. Turgan joyi bo'yicha tahsil olayotgan yoki rasmiy mehnat faoliyati bilan shug'ullanayotgan fuqarolar ushbu hududdagi mudofaa ishlari bo'yicha boshqarmaga murojaat qilishlari mumkin.";

1-ilovaning matnidagi "doimiy yoki vaqtinchalik yashash manzili" degan so'zlar "yashash yoki turgan joyi manzili" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

608 “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
3-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2217-4*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son “Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2011-yil 12-martdagi 8/1-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2217, 2011-yil 14-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 15-son, 157-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-sentabr,
21/9-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 6-oktabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
15-sentabrdagi 21/9-son qaroriga
ILOVA

“O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “banklar va ularning filiallarida” degan so‘zlar “banklarda” degan so‘z bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) nomi va 1-banddagi “banklar va ularning filiallarida” degan so‘zlar “banklarda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan banklar, shu jumladan ularning filiallari, bank xizmatlari ofislari hamda bank xizmatlari markazlarida (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) inspeksiya (tekshiruv) o‘tkazish tartibini belgilaydi.”;

3) 2 va 7-bandlardagi “Banklar va ularning filiallarida” degan so‘zlar “Banklarda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

4) 3-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kompleks inspeksiya qilish (tekshirish) — banklarning haqiqiy moliyaviy ahvolini va bank faoliyatiga xos bo‘lgan xavf-xatarlarni bevosita joyiga chiqish orqali o‘rgangan holda ularning faoliyatiga umumiy baho berish maqsadida inspeksiya (tekshirish) o‘tkazilishini ko‘zda tutuvchi nazorat turi;”;

uchinchi va beshinchi xatboshilardagi “bank va (yoki) uning filiallarida” degan so‘zlar “banklarda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

5) 4-bandda:

birinchi va yettinchi xatboshilardagi “banklar va ularning filiallari” degan so‘zlar “banklar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “banklar va ularning filiallarini” degan so‘zlar “banklarni” degan so‘z bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“banklar faoliyatiga xos tavakkalchilikni baholash, iqtisodiy normativlarga rioya qilinishi, ularga belgilangan me‘yorlarning to‘g‘ri hisoblanishi ahvolini tekshirish. Bunda tashqi omillarning bank moliyaviy holatiga ta‘sirini aniqlash nuqtai nazaridan hamda bank kapitali, aktivlari sifati, boshqaruvi, daromadlari hamda likvidligini tekshirish;”

to‘rtinchi va oltinchi xatboshilardagi “banklar va ularning filiallarida” degan so‘zlar “banklarda” degan so‘z bilan almashtirilsin;

6) 5-banddagi “banklar va ularning filiallari” degan so‘zlar “banklar” degan so‘z bilan almashtirilsin;

7) 6-banddagi “banklar va ularning filiallarida” va “banklar va ularning filiallari” degan soʻzlar tegishli ravishda “banklarda” va “banklar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

8) 8-bandning birinchi xatboshisi va V bobning nomidagi “Banklar va ularning filiallarini” degan soʻzlar “Banklarni” degan soʻz bilan almashtirilsin;

9) 12-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12. Kompleks inspeksiya qilish (tekshirish)lar yoki alohida masalalar yuzasidan inspeksiya qilish (tekshirish)lar davomida aniqlangan xato va kamchiliklarni banklar tomonidan bartaraf etilishi ustidan nazorat tartibida tekshirish masofadan nazorat qilish natijalariga koʻra ilgari tekshirishda koʻrsatilgan qoidabuzarliklarning bartaraf etilmaganligi yoki ularning bartaraf etilganligi haqidagi maʼlumotlar taqdim etilmaganligi yoxud haqqoniy boʻlmagan maʼlumotlar taqdim etilganligi aniqlanganda Markaziy bankning Bank nazorati qoʻmitasi qaroriga asosan oʻtkazilishi mumkin.”;

10) 16-banddagi “filiallari” degan soʻz “boʻlinmalari” degan soʻz bilan almashtirilsin;

11) 20-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Banklarda kompleks inspeksiya qilish (tekshirish) Markaziy bankning farmoyishi asosida tayinlanadi.”;

ikkinchi xatboshidagi “banklar va ularning filiallarini” degan soʻzlar “banklarni” degan soʻz bilan almashtirilsin;

12) 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Banklarni inspeksiya (tekshirish)dan oʻtkazuvchi tekshiruv guruhining tarkibi va uning rahbari, bajariladigan ishlar hajmi va xususiyati, boʻlinmalar tarmogʻining kengligi inobatga olingan holda Markaziy bank yoki uning hududiy bosh boshqarmalarining farmoyishiga ilova tariqasida tasdiqlanadi.”;

13) 26-banddagi “bank hamda uning filiallari” degan soʻzlar “bank” degan soʻz bilan almashtirilsin;

14) 27-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27. Dalolatnoma tekshiruv guruhi rahbari hamda inspeksiya (tekshirish) tayinlangan bank rahbari, shtat jadvalida bosh buxgalter nazarda tutilgan hollarda bosh buxgalter yoki boshqa xodimlar tomonidan imzolanadi.

Bunda, bank rahbari, bosh buxgalter yoki boshqa xodimlar dalolatnomani imzolashdan bosh tortgan hollarda, dalolatnoma tekshiruv guruhi rahbari va tekshiruv guruhining kamida bir aʼzosi tomonidan imzolanadi.”;

15) 28-banddagi “bank va uning filialiga” degan soʻzlar “bankka” degan soʻz bilan almashtirilsin;

16) 29-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “bank va uning filiallari” degan soʻzlar “bank” degan soʻz bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “banklar va ularning filiallari rahbari” degan soʻzlar “bank rahbari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “bank va uning filiallarining rahbarlari” degan soʻzlar “bank rahbari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “bank va uning filiallari rahbarlari” degan soʻzlar “bank rahbari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

17) 30-bandda:

uchinchi xatboshidagi “bank va uning filiallari” degan soʻzlar “bankka uning” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “bank yoki uning filiali” degan soʻzlar “bank” degan soʻz bilan almashtirilsin;

sakkizinchi xatboshidagi “bank va uning filiallaridan” degan soʻzlar “bankdan” degan soʻz bilan almashtirilsin;

18) VI bobning nomidagi “bank va uning filiallarining” degan soʻzlar “bankning” degan soʻz bilan almashtirilsin;

19) 31-bandda:

birinchi xatboshidagi “bank va uning filiallari” degan soʻzlar “bank” degan soʻz bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “Banklar va ularning filiallari” degan soʻzlar “Banklar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

20) 32-bandda:

birinchi xatboshidagi “bank va uning filiallari” degan soʻzlar “bank” degan soʻz bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “Banklar va ularning filiallari” degan soʻzlar “Banklar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

21) 33-banddagi “Bank va uning filiallarida” degan soʻzlar “Bankda” degan soʻz bilan almashtirilsin;

22) 34-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Inspeksiya (tekshirish) hisoboti uch nusxada tuzilib, ularning har biri tekshiruv guruhi rahbari va aʼzolari, inspeksiya (tekshirish) oʻtkazilgan bank rahbari, shuningdek shtat jadvalida bosh buxgalter nazarda tutilgan hollarda bosh buxgalter tomonidan imzolanadi.”;

23) 35-banddagi “Bank va (yoki) uning filiali rahbari yoxud” degan soʻzlar “Inspeksiya (tekshirish) oʻtkazilgan bank rahbari va (yoki)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

24) 36 va 37-bandlardagi “bank va (yoki) uning filiali rahbari yoxud” degan soʻzlar “bank rahbari va (yoki)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

25) 38-bandda:

birinchi xatboshidagi “banklar va ularning filiallaridagi” degan soʻzlar “banklardagi” degan soʻz bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “banklar yoki ularning filiallariga” degan soʻzlar “inspeksiya (tekshirish) oʻtkazilgan bankka” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

26) 39-bandda:

birinchi xatboshidagi “banklar va ularning filiallaridagi” degan soʻzlar “inspeksiya (tekshirish) oʻtkazilgan filial, bank xizmatlari ofisi yoki bank xizmatlari markaziga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “banklarning filiallariga” degan soʻzlar “bankka” degan soʻz bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidan “bank filiallarida” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;
27) 40-banddagi “bank va (yoki) uning filialida” degan soʻzlar “bankda”
degan soʻz bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

609 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3524-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2024 йил 20 июндаги 12-сон ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 19 июндаги 7-сон қарори (рўйхат рақами 3524, 2024 йил 1 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.07.2024 й., 10/24/3524/0457-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7 ва 9-иловалари матнларидаги «Доимий яшаш жойи (манзили)» деган сўзлар «Яшаш жойи (манзили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор 2025 йил 12 октябрдан эътиборан кучга киради.

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
22-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХУДАЯРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 сентябрь,
7225-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 6 октябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-sentabrdagi 21/10-son "O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tekshirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 29-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2209-4.

2. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 22-sentabrdagi 367-son "Oliy va o'rta maxsus, professional ta'lim tashkilotlarida o'qitishning to'lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag'larni taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizomning 61-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 29-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2431-4.

3. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-avgustdagi 284-son "O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (18-sonli BHS) "Hisobot sanasidan keyingi hodisalar"ni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 29-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3681.

4. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 17-sentabrdagi 523-son "Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O'zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 30-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3682.

5. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 24-sentabrdagi 49-qq-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-sentabrdagi 288-son "Akademik litseylarda imtiyozli ovqatlantirishni tashkil qilish hamda xarajatlarini qisman qoplash uchun ota-onalar to'lovini to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 30-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2993-3.

6. O'zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2025-yil 25-sentabrdagi 875-son "O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 30-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3683.

7. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 15-sentabrdagi 21/9-son "O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 3-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2217-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 30 сентябрдаги 22 ва 7225-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2025 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3524-1.

